МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ — ПАРТИЯМИЗ СЪЕЗДИГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 68 (13.330).
25 МАРТ 1966 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИДА ҚАТНАШИШ УЧУН

КПСС XXIII съездининг делегатлари — Ўзбекистон партия ташкилотининг вакиллари 24 мартдан 25 мартга ўтар кечаси Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар.

Делегатлар орасида саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг донгдор усталари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, партия ва совет органларининг, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари бор. (ЎзТАГ).

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Жонажон партиямизнинг XXIII съезди арафасида Ўзбекистон қўриғи — Сирдарё областидан хушхабар келди. Съезд шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдираётган область чорвадорлари жуда катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар давлатга гўшт сотиш биринчи квартал планини 105 процент, сут сотиш планини 100 процент ва тухум сотиш планини 133 процент бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Тайёрлов пунктларига 1965 йилнинг биринчи квартали охиригача тайёрланганидан 800 тонна кўп гўшт, 90 тонна кўп сут ва 2 миллион 500 минг дона кўп тухум топширилди.

Область чорвадорлари квартал охиригача давлатга яна 500 тонна сут ва 1 миллион дона тухум сотиш мажбуриятини олдилар.

●

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди шарафига мусобақани авж олдириб, давлатга гўшт сотиш квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Чорвадорлар тирик вазнда 5.364 тонна гўшт топширдилар. Бу — топширинда кўзда тутилганидан анча кўпдир. Сут ва тухум харид қилиш биринчи квартал планлари ҳам адо этилди. (ЎзТАГ).

●

Жонажон партиямизнинг XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб, меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Самарқанд область, Хатирчи районининг чорвадорлари ажойиб ғалабага эришдилар. Давлатга тухум сотиш йиллик плани қисқа муддатда — 20 мартда муваффақиятли адо этилди. Пландаги 840 минг ўрнига 858 минг дона тухум тайёрланди.

Район хўжаликлари эришган бу қувончли ғалабага Навоий номли, Чкалов номли, Киров номли ва «Москва» колхозларининг парранда-боқарлари катта ҳисса қўшдилар. Улар йиллик планни ҳаммадан илгари анча ошириб адо этдилар.

Район колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари давлатга яна 500 минг дона тухум сотиш ва шундай қилиб СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш борасида кўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга муносиб ҳисса қўшишга қарор қилдилар.

●

Самарқанд районининг чорвадорлари партиямизнинг навбатдаги XXIII съезди шарафига муносиб меҳнат совғаси тайёрладилар. Давлатга сут сотиш биринчи квартал плани муваффақиятли адо этилди. Пландаги 1371 ўрнига 1375 тонна сут тайёрланди.

Шунингдек, район хўжаликлари гўшт ва тухум тайёрлаш биринчи квартал топшириқларини ҳам анча ошириб бажардилар. Улар 760 тонна гўшт топшириб, квартал планини 108,7 процент адо этдилар. Тухум тайёрлаш квартал плани эса 126,4 процент бажарилди.

Район колхоз ва совхозлари давлатга пландан ташқари сут, гўшт ва тухум топширишни давом эттирмоқдалар.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ ЖАНГОВАР СОҲАСИ

Мамлакатимиз коммунистларининг буюк форуми — КПСС XXIII съездининг очилишига саноқли кунлар қолди. Улуғ диёримизнинг меҳнаткашлари коммунистик қурилишнинг беш йилга мўлжалланган улкан режаларини белгилаб берадиган ана шу улкан анжуманни зўр сиёсий кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда. Беш йиллик Директивалари лойиҳасининг ҳар бир сатри одамлар қалбини тўлқинлантириб, янги куч, янги илҳом бахш этмоқда, ажойиб зафарлар сари чорламоқда. Бу партиямизнинг нияти билан халқимизнинг нияти, мақсади, интилиши, кураши бир-бирига пайваста эканлигидан ёрқин далолат беради.

КПССнинг синалган жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган XVII съезди янги беш йиллик план Директивалари лойиҳасини батамом маъқуллади ва янги беш йилликда меҳнаткашлар олдида турган жуда катта вазифаларни кўрсатиб берди. Съезд меҳнаткашларни коммунистик руҳда, халқлар дўстлиги ва интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида эришилган жуда катта ютуқларни мамнуният билан қайд этди ҳамда идеология ишларининг кўламини кенгайтириш, мазмуни, таъсир кучини бойитиш нераклигини алоҳида таъкидлади Идеология фронтининг жанговар қисми бўлган партия ўқуви масаласига алоҳида эътибор берилди.

Республика партия ташкилотлари коммунистларнинг марксча-ленинча билим олишини яхшилашга, кадрларни ғоявий жиҳатдан камол топтиришга эътиборни кучайтирмоқдалар. Партия ўқувининг мунтазам системаси ишлаб турибди. Бу система ҳар бир тингловчига бошлангич сиёсий маълумотдан тортиб то олий сиёсий маълумот олиш имконини беряпти. Ҳозирги вақтда республикадаги коммунистлардан 276 минг киши, партиясиз активлардан 70 минг киши марксизм-ленинизм таълимотини зўр иштиёқ билан ўрганмоқда.

Партия ўқувининг командирлари бўлган пропагандист кадрлар состави йил сайин сифат жиҳатдан яхшиланиб боряпти. Ҳозирги ўқув йилида ишлаётган 26 мингдан ортиқ пропагандистнинг асосий қисми олий маълумотга, ишлаб чиқариш практикасига эга бўлган турли касбдаги кишилардир. Чунки, В. И. Ленин ўқитириб ўтганидек, ҳар қандай мактабда асосий масала — ғоявий-сиёсий йўналишдир, буни эса бутунлай ва фақат лекторлар состави белгилаб беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ҳамда район комитетлари ҳузурида раҳбар ходимларнинг коммунистик қурилиш назарияси ва практикасини системали ўрганиб бориши мустаҳкам қарор топганлиги ижобий ҳодиса бўлди. Бу партиянинг олтин фонди, асосий таянчи бўлган кадрларнинг марксизм-ленинизм соҳасида ўз билимларини муттасил чуқурлаштириб боришларида, партия, давлат, хўжалик практикасини, идеология ишининг форма ҳамда методларини такомиллаштиришларида, пропагандистлик ишида жонкуярлик ва активликни кучайтиришларида катта роль ўйнамоқда.

Партия ўқуви системасининг, унинг энг оммавий звенолари бўлмиш марксизм-ленинизм асослари мактаби, бошлангич мактаб ва семинар, назарий конференцияларнинг мақсади, вазифаси совет кишиларига, аввало партия аъзолари ва кандидатларига илмий дунёқараши чуқурлаштириб боришга актив ёрдам беришга, уларда КПСС назарияси ҳамда сиёсатини мукаммал билиб олишга бўлган ички эҳтиёжни кучайтиришга йўналтирилган.

Қоракўл район партия комитети КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси матбуотда эълон қилинганидан кейин пропагандистларнинг семинарини ўтказди. Ўқитувчи, агроном, зоотехник, бухгалтер ва бошқа касб эгалари бўлган пропагандистлар ҳақиқий тажриба мактаби бўлиб қолган семинарга актив қатнашиб, ана шу перспектив ҳужжат лойиҳаси юзасидан суҳбат ўтказиб, уни атрофлича ўрганишнинг йўл-йўриқларини аниқлаб олишди. Шундан кейин иш жўнашиб кетди. Лойиҳада баён этилган ленинча назарий қоидалар, асосий амалий вазифалар тингловчилар қалбига етказилди.

Аммо, баъзи районларда партия ўқувининг қўйилиши талабга жавоб бермайди. Қуйи районда аҳвол шундай. Кўпгина коммунистлар, шунингдек партиясиз активлар ўқишнинг турли формаларига тортилган. Лекин, район партия комитети, унинг агитация ва пропаганда бўлими ташкилотчилик, талабчанликни бўшаштириб юборганлиги, контролнинг йўқлиги сабабли кўпгина колхоз ва бошқа ташкилотларда партия ўқуви системали ўтмаяпти. Баъзи жойларда эса машғулотлар жуда паст савияда, зерикарли, ҳаётдан ажралган ҳолда ўтказиляпти.

Партия ўқуви янги кишини, юксак идеал ва маънавий ҳиссиётларни ўзида жамул-жам этган одамни тарбиялаш, вояга етказишда қудратли дастур, турмуш синовидан ўтган мактаб ҳисобланади.

Партия ўқуви улуғ мақсадга ҳизмат қилади. У кадрларга марксизм-ленинизм асосларини, жамият тараққиёти қонуниятларини, фалсафа, сиёсий иқтисод, партия тарихи, саноат ва қишлоқ хўжалиги конкрет экономикасини билиб олишга ёрдам берувчи маърифат ўчоғидир. Шунинг учун ҳам пропагандистлар ва тингловчиларнинг ҳар қандай талаб ҳамда эҳтиёжларига сезгир муносабатда бўлиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Пропагандистлар семинарларини ўз вақтида ўтказиш, уларга методик ёрдам кўрсатиш, тингловчиларнинг активлигини ошириш жанговар партиявий иш. Мустаҳил ўқувчилар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш лозим.

Партия ўқуви буюк воқеаларга бой жўшқин ҳаётимиз, кишиларнинг беш йиллик планни бажариш учун курашдаги ижодий, яратувчилик меҳнати, бир сўз билан айтганда, коммунистик қурилишнинг назарияси ва практикаси билан узвий боғланган бўлсин. Унинг жанговарлик руҳи кишиларни улуғ коммунистик қурилиш ғалабасини тезлаштиришга сафарбар этсин.

Қорақалпоғистон АССР Тахиатош гидроузелини барпо этаётган азаматлар суръатни кундан-кунга қизитмоқдалар. Қудуқлар қазилиб, бўлажак гидроузелнинг замини текширилмоқда. Ёш, сергайрат парманаш—монтажчи Қурбонбой Бобожонов смена топшириқларини муттасил ортиги билан бажармоқда. Суратда: ўртоқ Бобожонов иш устида.

Н. Ключнев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ОЛДИДАН

24 мартда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимлари ва илмий ходимларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Бу йиғилишда СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масала қараб чиқилди.

Йиғилишда республика Фанлар академиясининг академиги, ядро физикаси институтининг директори С. О. Азимов нутқ сўзлади. У Марказий сайлов комиссияси составига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқовни тавсия қилиш ҳақида таклиф киритди. Республика Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари М. З. Ўрозаев, О. Б. Жамолов, биология фанлари кандидати С. А. Асқаровалар бу таклифни қизғин қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш О. С. Содиқовни СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига кўрсатишга бир овоздан қарор қилди. (ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНЛАР КЕНГАШИ

Самарқанд областининг мўл хосил усталари, фермалари илғорларидан бир ярим минг киши ўтган йилги ишларга якун ясаш, тажриба алмашиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун кураш йўлларини белгилаб олиш учун тўпландилар.

Кенгашда 1966 йилда 353 минг тонна — ўтган йилги пландагидан 13 минг тонна кўп пахта сотиш, деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа кўпгина маҳсулотларини сотиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов кенгашда нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ПОКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУТЛОВЛАР

Покистоннинг миллий байрами — Покистон республика деб эълон қилинган кунининг 10 йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Покистон президенти Муҳаммад Аюбхонга телеграмма юборди-лар. Телеграммада совет халқи ва СССР ҳукумати номидан Президентга, ҳукумат аъзоларига ва Покистоннинг бутун халқига самимий қутловлар ҳамда энг яхши тилаклар билдирилди.

КПСС XXIII съезди делегатлари

ТЎҚҚИЗИНЧИ БАҲОР

Владислав Вахнин бу ерга 1957 йилда келган. Ўшандан бери чўл билан елкама-елка олишяпти. Дастлаб мана бу равон асфальт кўчалар, ҳашаматли уйлар, клуб, боғлар, қаёқда эди! Ҳаммаёқ тақир чўл, кишини қулатиб кетувчи шамолхона эди бу ерлар.

Энди бу ерларга қараб Вахнининг чиройи очилиб кетади. Ахир, булар ўзи каби минглаб чўлқуварларнинг меҳнати маҳсули эмасми? Янгиер шаҳри қад кўтарди. Шаҳарнинг янги гражданлари туғилиб, вояга етяпти.

Олга интилган одам ўзининг қанча йўл босиб қўйганини фақат ортига бир назар ташласагина биладн. Владислав ҳам ана шу йиллар ичида қандай ишлар бажарилганини мана ҳозир бир-бир хаёлидан ўтказяпти.

«Голодностепстрой»га қарашли йўл қурилиши бошқармаси ишчилари ҳозир «Еттисой — Райцентр» йўлини қуришяпти. Экскаваторчилар чўлдаги «Дўстлик» станцияси яқинида ҳар кун 150-160 машинага шағал юклашади. Кун 59-йи давом этган гоят жўшқин меҳнатдан кейин чодирларда тунаш-ди. Фақат шанба кунлари уйларига боришади.

Ҳозир ҳам шаҳар кўчаларига кўз ташлаб, ўз меҳнати маҳсулидан фахрланаётган Владислав Вахнин уйига қайтяпти.

— Наҳотки, шулар ҳаммаси шунча қисқа вақт ичида бунёдга келган бўлса? — дея ўзига қайта-қайта савол беради.

1956 йилда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Мирзачўл ерларини комплекс ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилгач, чўлқуварлар чўлга астойдил ҳужум бошладилар. Владислав янги ташкил қилинган «Голодностепстрой»нинг йўл қурилиши бошқармасида экскаватор ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлади. Ҳозир Мирзачўлда қон томиридай бир-бирига туташиб кетган узун-узун йўллар ана ўшанда қурила бошлаган эди. Чўлнинг инсон қадами тегмаган жойларига биринчи бўлиб йўл қурувчилар боришди. Улар йўл олган жойларда бора-бора янги-янги уй-жой биноларн, мактаб ва яслилар, боғ-роглар пайдо бўла бошлади.

В. Вахнин оҳиста однимлаб уйи томон бораркан, шулар ҳақида ўйларди. Сидқидилдан қилинган меҳнат уни эл-юртга танитди. Партия сафига ўтди. Партияга қабул қилиниши куни коммунистларнинг «Нима учун партияга кирясиз?» — деб берган саволига жавобан, «Ўз умримда кўрган энг меҳнаткаш, софдил ва мард, ҳақиқатгўй кишиларнинг кўпчилиги коммунистлар бўлиб чиқди. Мен ана шундай кишилар каторида бўлишни истайман», деб жавоб берди.

Совет Армияси сафида хизмат қилганини, хизматдан сўнг комсомол йўлланмаси билан Мирзачўлга келганини ҳам айтди.

Етти йиллигининг сўнгги йилида «Голодностепстрой»га қарашли йўл қурилиши бошқармаси ишчи ва инженер-техник ходимлари ғоят улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Коллектив «Жиззах-Ержар» трассасини битказди ҳамда 19, 25, 27, 28-совхозларда 114 километр узунликда янги йўл қурди, ер ишлари йиллик планини 109,4 процент бажарди. Бошқарма қурувчилари янги беш йилликнинг биринчи йилида ҳам муваффақият билан меҳнат қилишяпти.

Коллектив қўлга киритаётган ютуқлар Владислав Вахнинга чексиз севинч бағишламоқда. Унинг шахсий ютуқлари эса бутун коллективни қувонтиряпти. Шу боисдан ҳам область партия конференциясида коммунистлар уни КПСС XXIII съездига делегат қилиб сайладилар. Мирзачўлнинг тўқкизинчи баҳори Владислав Вахнинга ана шундай катта қувонч ва бахт олиб келди.

А. ЭГАМНАЗАРОВ,
А. ЙЎЛДОШЕВ.

ИСТИҚБОЛ УФҚИ

Меҳнат бор ерда, ғайрат жўш урган жойда ҳамма нарса гўзал, сержилва бўлиб кўринар экан кўзга. У асосан ана шу икки нарса ҳақида ўйлар эди. Инсоннинг яратувчилик қобилияти ҳам, унинг ҳислати ҳам ана шунда эмасми ахир. У ана шулар ҳақида сўзлаб берсамикин... Ёки хўжаликнинг сўнгги йиллар ичида босиб ўтган одими тўғрисида гапириб кўя колсамикин. Ёҳуд бир оиладек ахил, маданий, бадавлат ҳаёт кечираётган, далаларни яшнатаётган, коллектив хўжаликнинг йилдан-йилга қувватини ошираётган ажойиб, меҳнатсевар, камтар кишилар — жонкуярлар ҳақида ҳикоя қилиб берсамикин... У ҳаммасини, хўжаликни кўтаришга, унинг юксалишига сабаб бўлган ҳамма нарсани айтиб бериши керак... Раис эна шу ўй-хаёллар билан Москвага, партия съездига отланмоқда.

Колхоз чиндан ҳам кейинги йилларда ўзгариб кетди. Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл районидаги бу хўжаликнинг бундан учтўрт йил аввалги парвози баланд эмасди.

Масалан, колхоз бундан тўрт йил аввал райондаги энг қолоқ хўжаликлардан ҳисобланган. Пахтадан 24 центнерга етар-етмас ҳосил кўтарган эди. Худди шу йили колхоз раиси ўзгарди. Бу ўринга Норбой Шомуротов сайланди. Колхозчилар бу ёш йигитга ишонч билдириб янглишмаган эдилар. Буни улар дастлабки йилдаёқ яхши англадилар. Янги раис хўжаликни юксалтириш, пахта ҳосилдорлигини ошириш жабҳасига бутун коллектив — тажрибали пахтакорлардан тортиб билимдон мутахассисларгача отлантиришга муваффақ бўлди. Мана бир неча йил ўтди, ҳосилдорлик гектар бошига ўрта ҳисобда 13,5 центнердан ошди. Ўтган йили «Коммунизм» колхози 1300 гектар ернинг ҳар гектаридан 37,5 центнердан ҳосил кўтарди. Бу юксак кўрсаткичга колхозчиларнинг меҳнатини тўғри уюштириш, минерал ўғитлардан мохирона фойдаланиш, пахта етиштиришдаги ҳамма ишларни машиналар елкасига юклаш туфайли эришилганлиги эндиликда ҳаммага аён бўлиб қолди.

Колхозда хўжалик ҳисоби системасига кўчиб, комплекс механизациялаш звеноларн асосида ишлашга ўтилди. Бу йил ҳар бир звено аъзоси ҳисобига камида ўн беш тоннадан «оқ олтин» етиштиришга, яъни колхоз бўйича ўтган йили эришилган кўрсаткичдан икки ҳисса ортиқ ҳосил олишга аҳд қилинган.

— Бу аҳду паймоннинг жуда оддий сабаби бор, — дейди раис, — пахта ҳосилдорлиги ошган сари колхоз оладиган даромад кўпаймоқда, колхозчиларнинг иш ҳақи ошмоқда. Масалан, деҳқонларнинг олаётган даромадлари бундан тўрт йил илгариги даромадларидан уч ҳисса ортди. Ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик даромади 26 сўмдан 89 сўмга кўтарилди. Катта даромад хўжалик учун янги техника сотиб олишга, хўжаликни кенг фронт бўйлаб ривожлантиришга йўл очмоқда, уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилиши ҳажмини кенгайтиришга ҳам имкон бермоқда.

«Коммунизм»чилар шу кунларда чигит экишга шайланиб турибдилар. Чунки Автоном республикасининг шимолидаги бу хўжалик учун экиш кампаниясини қисқа муддатда томомлаш алоҳида аҳамиятга эга. Агар экиш судралса, кейинги ишларга улгуриш қийин бўлиб қолади. Колхознинг илгариги қолоқлик сабабларидан бири ана шунда эди. экиш кампанияси ҳатто бир ойгача чўзилиб кетарди. Ўтган йили колхоз экишни ўн беш кунда батамом тугатди.

Соҳибкорлар бу йил тағин ҳам юксак парвозга бел боғладилар. Улар ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 40 центнерга кўтариш учун кураш бошлашди. Бунинг барча имкониятлари ҳисоблаб кўрилган. Техника экишга шай, далалар эса мен тайёр, тезроқ экинг, деб пахтакорни ўз кўксига чорлаяпти.

Ҳа, Норбой Шомуротов хўжалик эришган барча ютуқларни партия съездида сўзлаб беради, ахир колхозда сўзлаб берса арзигулик ишлар кўп. «Коммунизм» колхозининг келажаги яна порлоқ. У истиқбол уфқида яна ҳам ёрқинроқ, яна ҳам гўзалроқ жилваланмоқда.

Я. ТЎХТАЕВ.

САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Мамлакатда СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Комиссия составига Ленинград коммунистик ташкилотидан Ленинград область партия комитетининг иккинчи секретари Г. В. Романов; Эстония коммунистик ташкилотидан — Эстония Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. П. Вадер, Қозоғистон ССР, Қарағанда областининг «Ленинуголь» трестига қарашли 31-шахта коллективидан — кўмир комбайнининг машинисти К. Умаров; Қирғизистон маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзидан — Қирғизистон ССР, Чуй районидаги Санташ саккиз йиллик мактабининг ўқитувчиси, партиясиз К. Ташпаева кўрсатилди.

* * *

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига составига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи Бутуниттифоқ кўнгилли жамияти Марказий комитетининг президиуми Марказий сайлов комиссияси составига Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. А. Епишевни кўрсатиш тўғрисида таклиф киритди. Бу таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Арманистон касаба союзлари республика советидан Марказий сайлов комиссияси составига Арманистон касаба союзлари советининг раиси С. В. Аракелян кўрсатилди.

Тожикистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидан Тожикистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Бобосодиқова якдиллик билан кўрсатилди.

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига Литва ССР, Шаулай районидаги «Пирмин» колхозининг аъзоларидан шу колхознинг раиси С. С. Ионикас кўрсатилди.

* * *

СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси составига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Комиссия составига Озарбайжон композиторлар союзидан Қ. А. Қораев: Ажария АССРнинг Кобулети районидаги Хала қишлоғи колхозидан чойкор колхозчи Л. М. Концелидзе; Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ходимларидан республика Фанлар академиясининг президенти О. Содиқов; «ВЭФ» заводи (Латвия ССР) коллективидан созловчи М. А. Небедник; Молдавия медицина ходимлари касаба союзининг республика комитетидан Старов-Карақушан, қишлоқ врачлик участкасининг бош врачи А. Г. Арапу кўрсатилди. (ТАСС).

КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси муҳокамада

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАЛАРИ

МАТБУОТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Жуда катта тарихий воқеа— Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди арафасида турибмиз. Барча совет халқлари ана шу кунни сабрсизлик билан кутишяпти.

Ўзбекистон матбуот ходимлари, полиграфчилари, китоб-журнал нашриётлари ҳамда китоб савдоси ходимлари ҳам барча совет кишилари билан бир қаторда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг янги беш йиллик плани Директивалари лойиҳасини чуқур ўрганмоқдалар ва қизғин муҳокама қилмоқдалар.

Ўзбекистон матбуоти ходимлари Директивалар лойиҳасини Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг мамлакатимиз экономикасини, маданиятини юксалтириш ва совет халқи моддий фаровонлигини янада яхшилаш соҳасидаги янги катта ғамхўрлиги деб ҳисобламоқдалар. Бизни шу нарса қувонтирмоқдаки, шу беш йилликда китоб нашр қилиш ва полиграфия саноати анча ривожланади. Бу бизни ҳаққоний равишда қувонтириши билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди. Биз бу масъулиятли ишни шараф билан бажаришимиз керак.

Полиграфчиларимиз съезд шарафига социалистик мусобақани тобора қизитиб, янгиданянги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Полиграфия саноати етти йиллик планнинг асосий кўрсаткичлари бўйича топшириқни бажарди. Фарғона ҳамда Урганч шаҳарларида область босмахоналари ва редакциялар учун бинолар қуриб битказилди. Термиз шаҳрида, шунингдек Нукусда полиграфия комбинати қурилиши тугалланмоқда. Республика, область, шаҳар ва район босмахоналари линотип ҳарф териш машиналари, ротация машиналари ва бошқа кўпгина янги ускуналарга эга бўлдилар.

Ўтган етти йил давомида китоб нашр қилиш ва китоб савдоси соҳасида яхши кўрсаткичларга эришилди. Китоб нашр қилиш қарийб 8 миллион нусха кўпайди. Республика нашриётчилари ўз фаолиятларида иқтисодий кўрсаткичларнинг тубдан яхшиланишига эришдилар. Масалан, илгари улар кўрилган зарарларни қоплаш учун давлатдан 1 миллион сўмга яқин дотация олиб келган бўлсалар, кейинги икки йилда 300 минг сўм фойда бердилар.

Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси етти йиллик планни барча кўрсаткичлар бўйича бажарди. 1965 йилда 1958 йилдагига нисбатан китоб савдоси қарийб 40 процент кўпайди. Етти йил ичида 300 миллион нусхадан кўпроқ китоб сотилди. Бу аҳоли жон бошига қарийб 30 тадан китоб тўғри келади, демакдир. Агар 1958 йили Ўзбекистонда 161 та газета, шу жумладан, 14 та республика, 18 та область (Қорақалпоғистон АССРда 4 та газета), 79 та шаҳар ва район, 51 та кўп тиражли газеталар чиқарилиб, уларнинг йиллик тиражи 223,6 миллион нусхага, шунингдек, 45 та журнал ва бюллетень нашр этилиб, йиллик тиражи 9,4 миллион нусхага етказилган бўлса, ҳозир Ўзбекистонда 200 та газета чиқариляпти. Уларнинг йиллик тиражи 431 миллион нусхани ташкил этади. Айни вақтда йиллик тиражи 23 миллион нусха бўлган 50 та журнал ва бюллетень нашр этилмоқда.

1965 йилнинг август ойида Матбуот давлат комитетида газета-журнал нашриёти ва полиграфия саноати Бошқармаси тузилди. Бу бошқарма область, шаҳар ва район босмахоналари полиграфия базасининг аҳволини ўрганиб чиқди, ремонт талаб қиладиган машина ва станоклар созланди. Баъзи редакция ва босмахоналарнинг бинолари кенгайтирилди, ремонт қилинди.

1966 йилда Бухорода область, Избоскан ҳамда Яккабоғ район босмахоналари ва газета редакциялари биноларини қуриш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди ва бу қурилишларга маблағ ажратилди.

Область газеталари редакцияларини алоқанинг иккинчи канали билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. Янгидан 18 та телетайп олиниб, уларга ўзбекча ҳарфлар ўрнатилди. Телетайплар область марказларига жўнатилди. Яқин вақтда область газеталари рус тилидаги текстлар билан бир вақтда, ўзбек тилидаги материалларни ҳам қабул қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса газеталарнинг ўз вақтида чиқиб туришини таъминлашга имкон беради.

Ўзбекистон нашриётчилари ва полиграфия саноати ходимлари янги беш йилликда юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистонда матбуот ишини ривожлантириш юзасидан беш йиллик план бўйича китоб маҳсулоти ишлаб чиқариш 27 процент ва вақтли матбуот маҳсулоти ишлаб чиқариш 50 процент кўпаяди. Бу планнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида республика Министрлар Совети «Ўзбекистон ССРда 1966—1970 йилларда полиграфия саноатини ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарор полиграфия саноатининг ажойиб истиқболларини очиб беради.

Республикамизда полиграфия саноати қурилиши кенг кулоч ёймоқда. Ҳозир янги босмахонада бадиий ва снёсий адабиётлар нашр қилиш учун ускуналарни қуриш ва созлаш ишлари тугалланай деб қолди. Ҳар йили 20 миллион нусха дарслик чиқариш қувватига эга бўлган ихтисослаштирилган босмахона қурилишига киришилди.

Кичик ҳажмдаги китобларни босиш учун янги босмахона, нашриёт ва китоб савдоси бўйича олий ҳамда ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун ўқув ишлаб чиқариш корпуси қурилиши мўлжалланмоқда. Янги беш йилликда кўпгина корхоналар, шу жумладан Тошкентдаги 1, 2, 4-босмахоналар ҳамда офсет фабрикаси реконструкция қилинади. Қоғоз сақлаш учун махсус база ҳам битказилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бирлашган нашриёти йил сайин кенгаймоқда. Бу нашриётни ва босмахонани кенгайтириш мақсадида тарих кўпқаватли ажойиб иморат қад кўтаради. Қурилажак корпусда кондиционер ўрнатилади. Редакция ходимлари учун маданий-оммавий тадбирлар бўйича алоҳида хоналар бўлади, оригиналларни жўнатиб туриш учун автоматик транспортёр ишлайди. Шу билан бирга, мазкур иморатнинг қаватларидан бирида Ўзбекистон телеграф агентлигининг аппарати жойлаштирилади. Бу иморат қуриб битказилгач, газета ва журналларнинг редакциялари бир жойда марказлашади.

Бундан ташқари Бирлашган нашриётни кенгайтириш плани бўйича ротация цехи учун икки қаватли корпус қурилиши кўзда тутилган. Қурилиш 1968 йилда бошланиб, 1970 йилда тамомланади. Бу корпуснинг қурилиб фойдаланишга топширилиши барча республика ҳамда марказий газеталарнинг барвақт чиқишига катта имкон беради.

Шу билан бирга, Андижон, Қарши, Гулистон, Бухоро шаҳарларида газета редакциялари учун хоналар билан бир қаторда, область босмахоналари, 30 та район босмахоналари қурилиши кўзда тутилган. Бухоро шаҳрида матбуот уйи, 250 ишчига мўлжалланган ётоқхона, шунингдек, Тошкентда 220 ўринли болалар комбинати қурилади.

Яқин вақтгача корхоналарда химия мўъжизаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга синтетик материалларнинг янги турларини жорий этиш юзасидан илмий тадқиқот ва эксперимент ишлар юзаки йўлга қўйилган эди. Китобларни жилтлаш ва бошқа ишларда химия янгиликларидан фойдаланиш мақсадида республика босмахоналари ҳузурида иккита ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этилади.

Республикада китоб савдосини янада ривожлантириш мақсадида Тошкентда, Андижон ва Фарғонада китоб Уйлари қурилиши, 20 та китоб магазини, 200 та дўкон, республикамиз пойтахтида эса китоб базалари қурилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ижроия комитетларига, шунингдек, шаҳар ижроия комитетларига аҳоли яшайдиган янги районлар қурилишини лойиҳалаштириш вақтида махсус китоб магазинлари қурилишини ҳам кўзда тутишни таклиф этди. 1966—1970 йилларда қуриладиган биноларда камида 83 та хона китоб магазинларига ажратилади.

Малакали кадрлар, турли касбдаги мутахассислар, раҳбар инженер-техник ходимлар тайёрлаш соҳасида ҳам анча камчиликлар бор. Ҳозиргача олий ва махсус ўрта маълумотли 700 тадан кўпроқ мутахассисга эҳтиёж борлиги сезилмоқда. Айниқса уч хил рангли маҳсулот босиш, математик ва химиявий формулаларни териш, бадиий жилт қилиш бўйича малакали ишчилар етишмайди.

Полиграфия саноатини малакали кадрлар билан тўла таъминлаш мақсадида шу йилдан кечиктирмай Тошкентдаги 9-шаҳар профессионал техника билим юрти биносига туташ ишлаб чиқариш корпуси қуриш ва уни ҳозирги замон ускуналари билан таъминлаш кўзда тутилади. Шунингдек, Тошкент политехникумида ўқув-ишлаб чиқариш базасини тартибга келтириш юзасидан бир қанча ишлар қилинади.

Олдимизда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифалар реал ва тўла-тўкис бажарилиши лозим бўлган тадбирлардир. Республикамиз матбуотининг кўпминг кишилик коллективи беш йиллик план кўрсаткичларини бажонидил бажаришга қодир эканлигини амалда кўрсатишга тайёрдир.

З. ЕСЕНБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот давлат комитетининг раиси.

Фарғона область. Марғилон ипак комбинатининг илғор тўқувчиси Турсуной Янгибоева сифатли газлама тайёрлаб, смена топшириқларини ошириб адо этмоқда. Суратда: ўртоқ Янгибоева иш устида.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ЎРТОҚ ХЕСУС ФАРИА БИЛАН УЧРАШДИ

22 мартда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев Венесуэла Коммунистик партиясининг бош секретари Хесус Фарианн қабул қилди. У 30 ой Венесуэла турмасида ётиб чиққанидан кейин кеча Москвага келган эди. Суҳбат вақтида КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ҳозир бўлди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Венесуэла ишчилар синфининг атоқли фарзанди, Венесуэла Коммунистик партиясининг раҳбарини КПСС Марказий Комитети Президиуми номидан қизғин табриклади ва унга тезда соғайиб, Венесуэла халқининг озодлиги ва порлоқ келажаги йўлида курашиш учун янги куч-қувват тўлишини истаганлигини билдирди.

Ўртоқ Хесус Фариа Венесуэла ватанпарварлари билан, халқлар озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашувчиларнинг ҳаммаси билан доимо пролетарларча бирдамлик кўрсатиб келганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, барча совет кишиларига шахсан ўз номидан, Венесуэла коммунистлари номидан чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. Ўртоқ Фариа КПССнинг навбатдаги XXIII съездига муваффақиятлар тилади. Бу съездда у Венесуэла Коммунистик партияси делегациясига бошчилик қилади.

Учрашув гоят илиқ, саммий вазиятда ўтди.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР

Қора металлургияни ривожлантириш юзасидан етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР Олий Совети Президиуми қора металлургия ишчилари, раҳбар ва инженер-техник ходимларидан катта группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади, саноатнинг ана шу тармоғидаги алоҳида ўрнак кўрсатган илғорларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми чорвачиликни ривожлантиришда, сут, гўшт, тухум ва жун етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришда эришган муваффақиятлари учун қишлоқ хўжалик ходимларидан катта группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Энг яхши илғорларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. (ТАСС).

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЮКСАЛИШДА

Янги беш йилликнинг асосий иқтисодий вазифаси — фан ва техника муваффақиятларидан ҳар томонлама фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида саноатни янада кўпроқ ўстиришдан, қишлоқ хўжалигини муттасил тез суръатлар билан ривожлантиришдан ва шу туфайли халқимизнинг турмуш даражасини оширишга эришишдан иборатдир.

Ўзбекистон енгил саноати мана шу улкан иқтисодий вазифаларни амалга оширишда, шубҳасиз, муҳим ўрин тутади. Жонажон республикамиз Иттифоқ тўқимачилик саноатини таъминлайдиган асосий хом ашё манбаидир, чунки бизда етиштирилаётган ҳамма натурал-тўқима толанинг қарийб ярмидан кўпроғи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Республикамиз келажакда натурал-тўқима тола етказиб беришдагина эмас, балки сунъий ва синтетик тола етказишда ҳам муҳим марказлардан бирига айланади. Революцияга қадар ўз тўқимачилик саноатига эга бўлмаган Ўзбекистон эндиликда ипгазлама ишлаб чиқариш бўйича РСФСРдан кейин 2-ўринни, шойигазлама ишлаб чиқариш бўйича эса 4-ўринни эгаллайди ва у кенг ассортиментли трикотаж буюмлар ишлаб чиқармоқда.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бу соҳани ривожлантиришда-ги улкан муваффақиятлар билан бирга, айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Чунки ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари кун сайин ўсиб бораётган талаблар даражасида эмас, маҳсулотларнинг хилларини жон бошига ишлаб чиқариш бўйича республикамиз СССРнинг айрим районларидан анча орқада қолаётир. Натижада республикамиз аҳолисининг тўқимачилик товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Иттифоқимизнинг бошқа районларидан кўп миқдорда кийим-кечак, трикотаж маҳсулотлари, шойи ва ип-газламалар олиб келинмоқда. 1965 йилнинг ўзидагина республикамизга Иттифоқимизнинг 27 иқтисодий районидан ип-газлама олиб келинди. Булар жумласига Латвия, Эстония, Украина ва бошқа узоқ районлар киради. Республикамизнинг ипгазламаларга бўлган 60 процент, жун газламаларга бўлган 100 процент, трикотаж буюмларга бўлган 43 процент, пайпоқларга бўлган 35 процент, тайёр тикилган маҳсулотларга бўлган 15 процент талаби четдан олиб келиш ҳисобига қондирилмоқда. Бунга сабаб, биринчидан, республикада юқорида айтилган маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилмоқда, иккинчидан, ўша маҳсулотларнинг ассортименти хилма-хил эмас. Масалан, республикамизда ишлаб чиқариладиган ип-газламаларнинг 80 процентдан кўпроғини фақат 4 хил группа, яъни чит группаси, сатин группаси, дока группаси ва сурп группаси ташкил қилади. Бизнинг тўқимачилик корхоналаримизда кийим-кечаклар учун зарур бўлган кўзги-қишки ассортиментлар, сунъий шойи қўшилиб ишланадиган газламалар, мебель ва безатиш учун зарур бўлган газламалар ва бошқалар деярли ишлаб чиқарилмайди. Бунинг устига Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидаги тўқимачилик корхоналаридаги меҳнат тақсимоти ҳам талабга жавоб бермайди. Масалан, Тожикистондаги корхоналар ҳам худди Ўзбекистондагидек юқорида айтилган 4 та группа ип-газламалар ишлаб чиқаришгагина мослашган бўлиб, уларнинг ҳиссаси жами ишлаб чиқариладиган ип-газламаларнинг 80 процентдан кўпроғини ташкил қилади. Бунинг натижасида Ўрта Осиё республикалари тўқимачилик маҳсулотларини кўп миқдорда четдан олиб келмоқдалар. Ўрта Осиё, айниқса, Ўзбекистон Иттифоқ тўқимачилик саноати учун керакли бўлган хом ашёнинг асосий қисмини ташкил қилгани ҳолда ўша хом ашёлардан жуда кам миқдорда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Ўзбекистон Иттифоқ миқёсидаги 70 процент пахта толасини етказиб, ўзида эса атиги 3,7 процент ип-газламани ишлаб чиқаради. «Пахтани хом ашё манбасида ишлашдан кўра, истеъмолчилар жойлашган районларда ишлаш афзалроқ», — деган нотўғри фикрларнинг ҳукм суриб келаётганлиги бунга сабаб бўлмоқда.

Кўплаб қилинган илмий тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон шароитида ип-газламаларнинг таннархи бошқа районлардагига нисбатан анча арзон бўлмоқда. Москва области ва Москва шаҳрида жойлашган ип-газлама чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотлари таннархини анализ қилиб Тошкент тўқимачилик комбинати билан таққосланганда, бирмунча ип-газламаларни ишлаб чиқариш Тошкент тўқимачилик комбинатида анча арзон тушаётганлиги аниқланди. Бунга сабаб пахтани узоқ районларга ташиб олиб боришга сарфланаётган ортиқча харажатларнинг кўплигидир.

Масалан, 100 килограмм 54-ип-арқоқни ишлаб чиқариш Тошкент тўқимачилик комбинатида Павлово-Покровский фабрикасидагига нисбатан 4 сўмга, Шелковский ип-газлама комбинатидагидан 13 сўм 42 тийинга; 65-ип-арқоқ бўйича Цюрини номидаги фабрикадагидан 14 сўм, Ярцевский ип-газлама комбинатидагидан 11 сўм 64 тийинга арзонга тушган. Қилинган ҳисоблар бўйича Цюрини номидаги фабрика ва Ярцевский ип-газлама комбинатида ишланаётган 65-ип-арқоқ Тошкент тўқимачилик комбинатида чиқариладиган ип-арқоқнинг таннархига тўғри келганда, халқ хўжалигида ҳар йилига 2,3 миллион сўм тежаб қолинган бўлар эди.

Юқорида айтилган корхоналарда чиқариладиган бир хил ип-арқоқлар бўйича тежаб қолинган маблағ эса 5,6 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этар эди. Бу фактлар хом ашё манбаида ип-газлама саноатини тез суръатлар билан ривожлантириш иқтисодий жиҳатдан самарадор эканлигини кўрсатади.

Ҳозирча Ўрта Осиё шароитида ип-газлама саноатини ривожлантиришга тўсиқ бўлиб келган нарса асосан пахта толасига белгиланган паст тариф ҳамда ҳамма истеъмолчилар учун белгиланган бир хил улгуржи баҳодир. Баҳо ва тарифларни КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарори асосида такомиллаштириш ип-газлама саноатини хом ашё манбаида ривожлантириш йўлида турган сунъий тўсиқларни йўқотиш имкониятини туғдиради. Ип-газлама саноатининг кенг равишда ривожланиши мавжуд бўлган тўқимачилик марказларидаги ип-газлама ишлаб чиқариш қуватларидан фойдаланишни мутлақо сусайтирмайди. Чунки Ўзбекистон ип-газлама саноатининг ривожланиши қўшимча олинадиган пахта толаси ҳисобига ўсиб, келажакда ўз талабини қондириш билан биргаликда мамлакатимизнинг шарқдаги муҳим тўқимачилик марказига айланиб, Сибирь, Узоқ Шарқ, қисман Қозоғистоннинг эҳтиёжларини қондириши лозим. Бунинг учун республикамизда ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Масалан, республикамиз ёқилғи-энергия таҳнислигидан қутулиб, яқин йиллар ичида энг арзон ёқилғи ишлаб чиқарадиган районларнинг бирига айланади. Республикамизда бунинг учун тегишли меҳнат ресурслари мавжуд. Транспорт алоқалари мукаммал ривожланмоқда. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, республикамизда тўқимачилик ва трикотаж саноати областлараро бир текисда жойлашмаган. Республикамизнинг фақатгина 11 процент аҳолисини ташкил қилган Тошкент шаҳрининг ҳиссасига қарийб 95 процент тайёр ипгазламалар ишлаб чиқариш, 78 процент устки-трикотаж ва 85 процент ички трикотаж ишлаб чиқариш тўғри келади. Қолган қисми эса Фарғона водийси ва қисман Самарқанд областларига тўғри келади. Республикамизнинг 30 процент аҳолисини, 36 процент пахтасини, 33 процент пилласини ташкил қилувчи Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм областларида ва Қорақалпоғистон АССРда битта ҳам тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган тўқимачилик корхонаси йўқ. Натижада юқорида айтилган районларда ишлаб чиқаришда банд бўлмаган анчагина меҳнат ресурслари вужудга келди.

Янги беш йиллик план лойиҳаларида кўзда тутилган тўқимачилик ва трикотаж корхоналарининг қурилиб фойдаланишга топширилиши мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланишга имкон беради. Республикамизда тўқимачилик саноатини кенг ривожлантириш учун жуда қулай имкониятлар борлигини нарада тутиб, ип-газлама ишлаб чиқаришни беш йилликда 480-500 миллион метрга етказиш зарур, бу эса қўшимча яна иккита ип-газлама комбинати қурилишини тақозо этади.

И. ИСКАНДЕРОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

Андижон область, Янгиқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхози қишлоғи обод бўлмоқда. Суратда: Колхоздаги янги кўча.

С. Безносов фотоси.

ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДАН

МУРАББИЯ, МЕҲНАТКАШ

Оламда онадан ҳам улуғ зот борми! Азиз, мушфиқ оналаримизни ҳурмат қилиш, улар олдида бош эгиш—ҳар биримизнинг муқаддас фарзандлик бурчимиз.

Газеталарда коммунистик ахлоқ, одоб темасида кўплаб материаллар босилмоқда. Мана, қўлимизда Самарқанд область **«Ленин йўли»** газетасининг 18 март куни чиққан сони.

«Она маҳдияси» деган умумий сарлавҳа остида ранг-баранг материаллар берилган. Солдат онаси Лаззат Исроиловаанинг Совет Армияси сафида хизмат қилаётган ўғли Турдибек Баҳромовга ёзган хатини, фарзанднинг жавоб мактубини, шунингдек, «Меҳри дарё», «Қайнона ҳам она» сингари материалларни газетхон тўлқинланиб ўқийди. Шоирлардан Муса Жалил, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Шуҳрат, Шукрулло ва Жуманиёз Жабборовнинг онани улуғлаган шеърларидан жўшқин сатрлар берилган.

«ҚИЗЛАР ГУЛДАСТАСИ»

Бахтиёрман — куйчи қизингман,
То ҳаётман сени куйлайман.
Сен осмонсан, мен юлдузингман,
Доно падар, сени ўйлайман, —

деб куйлайди, Фарғона қизи Қаноат Абдуллаева.

Гўзал Фарғона республикамизнинг «оқ олтин» кони, социалистик саноати гуркираб гуллаётган жойигина эмас, шеърият булоғи ҳамдир. Водийда ажойиб умидбахш ёшлар, шоиралар борки, улар маҳорат билан қалам тебратмоқдалар.

Область **«Коммуна»** газетаси ўзининг шу йил 19 мартдаги сонида ёш шоиралар ижодига махсус саҳифа бағишлади. Қаноат Абдуллаеванинг «Партияга», Жўрахон Қурбонованинг «Фарғонам», Маттлуба Аҳмедованинг «Гуллар» сарлавҳали шеърлари умидли шоиралар камол топаётганидан далолат беради.

Газеталарда бундай муаттар гулдасталарнинг тез-тез учраб туриши ёш қаламкашларни тарбия қилишга ёрдам беради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республикада СССР Олий Советига сайловга тайёргарлик кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлисида маҳаллий советлар, республикадаги министрлик ва идораларнинг сайловда иштироки билан боғлиқ бўлган бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

Сайлов кампанияси вақтида сайловчиларнинг снёсий активлигини бутун чоралар билан ривожлантириш, беш йиллиннинг биринчи йили ишлаб чиқариш планларини, партия XXIII съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажариш учун мусобақани кенгайтириш, деб таъкидланди мажлисда, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг энг муҳим вазифасидир. Сайловчилардан тушаётган наказларни умумлаштириш, сайловга тегишли ташкилий-техник тайёргарлик кўриш тўғрисида олдиндан ғамхўрлик қилиш — ижроия комитетларининг биринчи галдаги вазифасидир.

Маҳаллий Советларга «Сайлов тўғрисида низом»га аниқ риоя қилинишиустидан контроль ўрнатиш, барча сайлов комиссияларини тегишли бинолар, алоқа воситалари, транспорт, зарур ҳужжатлар билан таъминлаш таклиф этилди. Меҳнаткашларга совет сайлов системасининг принципларини кенг тушунтириш керак. Депутатлар ва кенг актив иштирокида сайловчиларнинг аниқ ҳисобини олиб чиқиш, рўйхатларда фамилияларнинг тушиб қолишига йўл қўймаслик керак.

«Статистика» нашриётининг Ўзбекистон бўлимига 20 майдан кечиктирмай сайлов бюллетенларини босиб чиқариш ва жойларга етказиш, 1 апрелгача эса сайлов ҳужжатларининг барча турдаги бланкаларини етказиб бериш тўғрисида кўрсатма берилди.

Алоқа министрлиги, Маданият министрлиги, Савдо министрлигига, «Ўзбекбирлашув» правлениесига, Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасига, республика Министрлар Совети Матбуот давлат комитети, республика Кинематография давлат комитети, Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига, Урта Осиё темир йўли бошқармасига СССР Олий Советига сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш тадбирларини бир ҳафта муддат ичида ишлаб чиқиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдим этиш таклиф қилинди.

Ижроия комитетларининг қарорларида ва фармойишларида социалистик қонунларни бузиш фактлари тўғрисида ўз қарорининг бажарилишини контроль қилиш тарқасида Олий Совет Президиуми Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг ахборотини тинглади.

Автоном республика Министрлар Совети ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ана шу қарордан ўзлари учун ҳали тегишли хулосалар чиқариб олмаганликлари, ўзларининг маъмурий фаолиятида ҳозир ҳам жиддий хатоларга йўл қўйётганликлари аниқланди. Ижроия комитетлари ходимларининг амалдаги қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни яхши билмаганлиги ана шундай аҳволнинг юз бериш сабабларидан биридир. Холбуки бу ходимларнинг юридик билим савиясини ошириш учун аслида бирон чора кўрилмаётир. Прокуратура органлари маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари қабул қилаётган қарорларнинг қонунийлигига риоя қилиниши устидан етарли назоратни амалга оширмаётир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига аниқланган камчиликларни дарҳол бартараф қилиш, социалистик қонунларнинг асосий талабларига риоя қилиниши учун мансабдор кишиларнинг масъулиятини ошириш мажбуриятини юклади.

Мажлисда «Колхоз аъзоларига пенсиялар ва нафақалар бериш тўғрисида»ги қонун республикада қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги масала ҳам қараб чиқилди.

Ҳозирги вақтда қарилик, инвалидлик ва боқувчисидан ажралганлик туфайли пенсиялар Ўзбекистонда қарийб 382 минг колхозчига берилмоқда. Утган йили колхозчи аёллардан 116 минг киши ҳомиладорлиги ва туққанлиги туфайли нафақа олди. Буларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимиз ҳали бахт-саодати тўғрисида гоят зўр ғамхўрлик қилаётганлигининг яққол ифодаси, қонунни амалга оширишда муайян муваффақиятларга эришилганликни кўрсатувчи далилдир. Шу билан бирга, дейилди мажлисда, Социал таъминот министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Соғлиқни сақлаш министрлиги, бошқа идоралар ва ташкилотлар пенсия ишида баъзи бир камчиликларга ҳам йўл қўймоқдалар. Утказилга текшириш шуни кўрсатдики, колхозчиларга пенсия белгиланган вақтда баъзан уларнинг стажи ва аввалги иш ҳақи миқдори тўла ҳисобга олинмайди. Пенсия ишларини расмийлаштириш учун зарур бўлган архив ҳужжатларини сақлашда ҳамма жойда ҳам тартиб ўрнатилган деб бўлмайди, колхозчиларга меҳнат дафтарчаларини бериш пайсалга солинмоқда. Колхозчи аёлларга ҳомиладор бўлганида ва туққанидаги нафақа олиш ҳуқуқлари яхши тушунтириб берилмаётир.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, министрликлар ва идораларга «Колхоз аъзоларига пенсиялар ва нафақалар бериш тўғрисида»ги қонунни бажариш юзасидан олиб борилаётган ишни кучайтириш таклиф қилинди. (ЎзТАГ).

„ПАХТАОРОЛ“ НАМУНАСИ

Илғор тажрибани кенг ёйилик

Мирзачўлнинг гўзаллигини улуғловчи, унинг нафосатини мадҳ этувчи ашулалар кўп. Уларда совет тузумининг қудратли яратувчи кучи-ю, халқнинг мислсиз қаҳрамонлиги тараннум этилади. Чиройнга ойнинг рашки келадиган шаҳар ва қишлоқлар-у, эрам боғи билан баҳслашадиган боғ-роғлар, ҳосилдор «оқ олтин» далалари-ю, гўзал ва фаровон ҳаёт куйланади.

Энди Мирзачўлни қўш қуёшли ўлка денглар, деб бошланадиган ашула ҳам айтилиши керак. Мирзачўл осмонида ҳаётбахш қуёш нур сочиб турибди. Заминида эса самодаги юлдузлар янглиг ҳисобсиз машъаллар порлаяпти. Пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш, чорвани ривожлантириш, коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш намунасини кўрсатишяпти улар. Булар «Малик» тажриба хўжалиги, Боёвутдаги «Коммунизм», Жиззахдаги «Москва» ва Навоий номли, Сирдарёдаги Ленин номли колхозлар. Шу машъаллар орасида бир улкан, чиндан ҳам мунаввар машъал бор. Бу — республикага донг тараттган азим хўжалик — «Пахтаорол» совхозидир.

* * *

КПСС Марказий Комитети сентябрь (1953 йил) Пленумидан кейинги ўн йиллик давр совхоз учун чинакам юксалиш даври бўлди. 1954—1963 йилларда ҳар йили ўрта ҳисобда 5691 гектар майдонда ҳосил етиштирилди. Шу даврнинг охирига келиб ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги 31 центнерга етди.

Аммо, 1964 йил совхоз тарихида энг оғир ва ташвишли йил бўлди. Ҳосилдорлик бирдан камайиб кетди. Шу йили 7000 гектар майдондан атиги 22,9 центнердан ҳосил олинди. Давлат плани бажарилмай қолди. Бу аччиқли ҳол тасодифан юз бермади. У қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда кейинги даврда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликларнинг оқибати эди. Экин майдонлари структураси асоссиз равишда нотўғри ўзгартирилиши, алмашлаб экиш системасидан юз ўгирилиши унинг асосий сабабларидан бири эди. Ахир, «Пахтаорол» совхози илгари пахта-беда алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилган намунали хўжалик эди. Бу ерда пахта-беда алмашлаб экишнинг аввал етти далали, сўнг эса саккиз далали системаси яхши ўзлаштириб олинган эди. Ўша вақтда тахминан 5000-5500 гектар пахта майдонига 2700 гектар бедазор тўғри келарди.

Алмашлаб экиш системаси «коралангач» бедазорлар бузиб юборилди. Бунинг устига пахта майдонини кенгайтиришга ортиқча берилиб кетилиб, ернинг мелиорация ҳолатини яхшилаш эътибордан четда қолди. 1962 йилга келиб, бедазорлар майдони 800 гектарга тушиб қолди. Натижада, ер ости сувлари юқори кўтарилди, пахта майдонларини шўр босди.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш юзасидан зарур чоралар кўрдилар. КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кескин юксалтириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш йўллари белгилаб берилди. Пахтаоролликлар ана шу йўлдан бораяптилар.

Ўтган йили беда майдонлари кенгайтирилиб, 2100 гектарга етказилди ва пахта-беда алмашлаб экиш яна тикланди. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун чинакам юриш бошланди. Кейинги даврда ер ости сувларини кўчириш ва экин майдонларини шўрдан тозалашда яхши фойда берувчи 33 та вертикаль зовур қазилди. Унинг ҳар бири 127 гектар майдонни шўрдан тозалаш имконини беради. Ана шундай зовурлар сони 1965 йилда 59 тага етказилиши зарур эди. Бу ишни бажариш яйлов-мелиорация трести зиммасига юклатилган. Лекин, трест раҳбарлари бу муҳим масалага етарли эътибор бермаяптилар. Бултур қазилган 18 та зовур «Спецмонтажстрой» трести раҳбарларининг айби билан ҳалигача ускуналангани ва ишга туширилгани йўқ.

Лекин совхоз ходимлари «Олма пиш, оғзимга туш» деб қараб ўтирадиган кишилар эмас. Бу ерда ирригация-мелиорация қурилиши, шўрга қарши кураш соҳасида бой тажриба орттирган ўнлаб фидокорлар ишлайди. Уларнинг ғайрат ва ташаббуси билан 1964 йилнинг охири ва 1965 йилнинг бошида энг хавфли участкаларда 26 километрли очиқ горизонталь зовур қазилди.

Бултур ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилни ошириш максадида яна кўп иш қилинди. Комплекс механизацияга тагин ҳам кўпроқ зўр берилди. Барча дала ишлари ўз вақтида ва юксак агротехника қоидалари асосида ўтказилди. Натижа ҳам шунга яраша қувончли бўлди. **6758 гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам 30 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 20 минг тоннадан ортиқ пахта сотилди. Ҳосилдорлик бир йилда қариб 7 центнер, ялпи ҳосил эса 400 тоннадан знёд ошди.** Хўжалик ўзининг илгариги шуҳратини яна тиклади. Ўқиич ўрнини қувонч эгаллади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасида кейинги даврда қандай хато ҳамда камчиликлар юз берганги ва уни партия қандай тузатгани «Пахтаорол» совхози мисолида яққол кўрилди.

Комплекс механизация ва деҳқончилик маданияти. Хўжалик ҳисоби ва рентабеллик. Арзон маҳсулот, кўп даромад ва моддий манфаатдорлик. Совхозда бу уч муҳим масала муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Совхоз бош агрономи Александр Константинович Спицининг айтишича, деҳқончилик маданиятини ошириш тадбирлари комплексида пахта-беда алмашлаб экиш, ерни ўғитдаш катта роль ўйнайди. Ҳозир хўжаликда алмашлаб экишнинг саккиз далали системасига амал қилиняпти. Бу йил беш дала — 6600 гектар ер пахтага, икки дала — 2236 гектар ер белага ва бир дала кўкпоя ҳамда дон олиш учун экиладиган маккажўхорига ажратилди.

Алмашлаб экиш жорий қилингандан буён совхоз далалари алмашлаб экишнинг беш тўлиқ ротациясидан ўтди. Биринчи ротацияга нисбатан ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги иккинчи ротацияда 3,8 центнер, учинчи ротацияда 8,4 центнер, тўртинчи ротацияда 12,3 центнер ва бешинчи ротацияда 16,2 центнер ошди.

Ер тупроқнинг ҳолати ва талабига қараб ўғитланади. Ҳар бир бригада учун тупроқ картаси тузилган. Унда қайси участкага қайси ўғитдан қанча бериш зарурлиги кўрсатилган. Бултур буни ҳисобга олиб, пахта майдонларига 1474 тонна азотли ва 1088 тонна фосфорли, 12 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит солинди. Бир килограмм соф азот ҳисобига 15,5 килограмм пахта етиштирилди.

Совхозда гўзани сунъий ёмғир ёғдириб суғориш катта фойда беряпти. Бу прогрессив усул сув сарфини бир ярим-икки баравар камайтириш ва суғоришда меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, пахтани 8-10 кун илгари пишириш ва ҳосилдорликни 1,5-2 центнер кўтаришдан ташқари, ер ости сувларини 40-50 сантиметр чуқурликка тушириб юбориш имконини ҳам беряпти. Ғўза ёғда чуқур эгат олиб суғорилади. Бу ҳам ер ости сувини анча пастга туширишга ёрдам беради.

«Пахтаорол» совхози чин маъноси билан комплекс механизациялашган хўжалик. Хўжаликнинг трактор паркида 200 хилдан ортиқ жуда кўп сонли машина ва техника воситалари мавжуд. Хайдов ва чопиқ тракторларининг ўзи икки юзтадан ошади. Ана шу техника ёрдамида фақат пахтачиликкина эмас, балки бошқа экинлар ҳосилини етиштириш, чорвачиликдаги ишлар ҳам механизациялаштирилган. Ер ҳайдаш, уруғ экиш, экинларни парвариш қилиш ва суғоришдан тортиб, то ҳосил йиғиб-теримигача бўлган барча ишлар машиналар зиммасига юкланган.

Совхозда машинада терилган пахтанинг миқдори йил сайин ошиб бораяпти. **Агар 1964 йили «зангори кема»лар бункеридан 7490 тонна пахта тўкилган бўлса, бултур бу миқдор 11194 тоннага етди. Совхоз далаларида 196 терим агрегати ишлади. Ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 61 тонна пахта терилди.** Сарим Умаров, Николай Дёмин, Имон Нуров, Константин Аврамиди, Омонбой Жўраев, Дўйсен Мамадиёров каби илғор механик-ҳайдовчилар 105-141 тоннадан «оқ олтин» теришди. **Машина терилмининг ўзидан 1964 йилдагига нисбатан қариб икки баравар кўп — 712 минг сўмдан знёд маблағ иқтисод қилинди.**

Бу, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда катта роль ўйнади. **Бир центнер пахта етиштиришга 2,07 кишi-куни сарфланди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига 148,2 центнер маҳсулот олинди. Бир центнер пахтанинг таннархи 22 сўм 96 тийинга тўғри келди. Совхоз давлатга сотган пахтаси эвазига пландагидан 1 миллион 313 минг сўмдан знёд кўп, яъни 6 миллион 473 минг сўмга якин даромад қилди. Бунинг қарийб икки миллион сўми соф фойдадир. Бир пахтакорнинг йиллик ўртача иш ҳаки 100 сўм 40 тийинни ташкил этди.**

Совхозда мўл ва арзон ҳосил етиштиришнинг ажойиб усталари, пахтачиликни ривожлантириш учун курашнинг моҳир ташкилотчилари кўп. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Есентоев бошлиқ бўлимда бултур гектаридан 33 центнердан, Гусейнов, Усинбеков ўртоқлар бошлиқ бригадаларда эса 39,4-40,1 центнердан ҳосил олинди. Ана шу бўлим ва бригадаларда маҳсулот етиштиришга умуман совхоздагига нисбатан анча кам меҳнат ва маблағ сарфланди.

Шундай илғор ва юқори ҳосилли хўжаликда маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш имконини берадиган резервлар ҳали кўп. Аввало шуни айтиш керакки, совхозда ҳосилдорлик аввал илгари эришилган энг юқори даража — 31 центнерга, сўнг эса ҳозир илғор бўлим ва бригадалар олаётган миқдорга етказилиши керак. Энг муҳими — қолоқ участкалар илғорлар қаторига етказилиши зарур.

Бултур совхозда гектаридан ўрта ҳисобда 30 центнерга яқин, илғор бўлимларда 33 центнергача, бригадаларда 40 центнер ва ундан знёд ҳосил олинди. Аммо П. Дорохов бошқарувчилик қилаётган «1 Май» бўлимида гектаридан 28,9 центнердан, Н. Ефименко бошқарувчилик қилаётган «Партия XXII съезди» бўлимида 28,1 центнердан, И. Орлов бошқарувчилик қилаётган Ильич номли бўлимда 26,3 центнердан ҳосил олинди. Ана шу ўн бўлимда ҳосилдорлик ўртача 27,8 центнерга тўғри келди. Уларнинг пахта майдони эса 2800 гектар.

Агар шу майдонда ҳосилдорлик ҳеч бўлмаганда совхозда бултур эришилган ўртача даражага етказилса, ялпи ҳосил қарийб 7000 центнер, илғор бўлимлар даражасига етказилса 15000 центнер ошиши мумкин.

Бунинг учун бир қатор зарур тадбирларни амалга ошириш керак, албатта. Чунончи, даставвал пахта-беда алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйиш, пахта майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрга қарши курашни кучайтириш, комплекс механизацияга ҳаммадан кўпроқ зўр бериш лозим.

Таннархга келганда шуни айтиш керакки, бу соҳада совхоз, илғор ва қолоқ бўлимлар ўртасида янада каттароқ тафовут бор. Масалан, бир центнер пахтанинг таннархи совхозда 22 сўм 96 тийинга, Дзержинский номли бўлимда 18 сўм 47 тийинга тўғри келди. Агар совхоз бўйича таннарх Дзержинский номли бўлим даражасига тенглаштирилса ҳар центнер ҳисобига 4 сўм 48 тийиндан — ҳаммаси бўлиб қариб 1 миллион сўм қўшимча даромад олиш мумкин. Ильич номли, «1 Май» ва «Партия XXII съезди» бўлимларида биргаликда етиштирилган 77634 центнер пахтанинг ҳар центнери ўрта ҳисобда 25 сўм 60 тийинга ёки совхоздагидан 2 сўм 64 тийин ва Дзержинский номли бўлимдагидан 7 сўм 13 тийин қимматга тушди. Агар ана шу бўлимларда таннарх совхоз даражасига келтирилса 200 минг сўмга яқин, илғор бўлим даражасига келтирилса эса 550 минг сўмга яқин пулни тежаш мумкин.

Совхоз коллективи СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съездининг Директивалари олдиҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқар экан, ҳосилдорликни кўтариш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва таннархини камайтириш, даромад ҳамда соф фойданинг миқдорини янада салмоқли қилиш имконини берувчи ана шу резервлардан тўлароқ фойдаланишни назарда тутяпти. Шу мақсадда улар бу йил материал ва маблағларни тежаш учун кураш ташаббусини бошлаб бердилар.

Ҳа, «Пахтаорол» совхози бу беш йилликда янада юксалади, унинг шон-шуҳрати тагин ҳам ошади.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Тошкентдаги сут комбинатининг меҳнат аҳли партия XXIII съезди очиладиган кунни квартал топшириғини бажариш билан нутиб олмоқчи. Сиз бу суратда корхона жонкуярларидан бири, цех бошлиғи Ўктам Усмоновни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ЎРМОН МАФТУНИ

Республикамиз картасини бир кўз олдингизга келтиринг-а: ялпи ўрмонлар, баланд-баланд тоғлар, дарёлар. Республикамиз битмас-туганмас бойликларидан бири — ўрмонларимиздир.

Ана, кимдир ўрмон бўйлаб юрибди. У миниб олган от дам қалин қамишзорнинг ичига кириб балчиққа ботади, дам дарахтлар орасига киради-ю, йўқ бўлиб кетади. Қалин ўрмонзор сукутда, Қоровулнинг от қамчилагани эшитилади. Қаердадир милтиқнинг овози эшитилиб қолди.

— Ана тартиб бузарлар, — деди у отни қамчилаб. Биз ўрмонларимиз соқчиси. — ўрмон техники Алексей Ким билан Сирдарё қирғоғидаги «Боққум» ов хўжалигида учрашдик. У ўрмон-тўқай жезади, ҳар бир дарахт, ниҳолларни кўздан кечиради. Ариқ-зовурларни текшириб, сув бормаган жойларга сув чиқаради.

— Ҳозир,— дейди ўрмон техники Алексей,— хўжалигимизда совуққа чидамли мевали дарахтлар кўчатини кўпайтираётирмиз. Ўрмонимизга дов-дарахтлар, галла экиларини кўп эксак, ов кўпроқ бўлади.

Алексей фақат ўрмон техники эмас, моҳир овчи ҳам. Мана бу бир неча гектарга жойлашган «Боққум» ов хўжалигини қирғовул, ғоз, ўрдак, балиқ, чўчқага бойитишда Алексейнинг ҳиссаси катта. У ов қушларининг бузилишига йўл қўймай, хўжаликда тартиб ўрнатди.

Бутун умрини ўрмончилик, овга бағишлаган Алексей Кимнинг Иркутсида ўрмончилик техникумини битирганига 10 йилдан ошди. У ўқишга киримасдан олдин ҳам ўрмонда, ов хўжалигида хизмат қилган эди. Унинг буваси, отаси қариндошлари мана шу касбда ишлаб обрў қозонган эдилар. Шу сабабли республика ўрмончилик хўжалигида ҳам, овчилик жамиятида ҳам Алексей Ким ҳақида фақат илиқ сўз эшитасиз.

Р. ИСҲОҚОВ.

Хатлардан сатрлар

Охунбобоев районидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати коллективи партиямиз XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, биринчи квартал планини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқда. С. Абдуллаев бошлиқ бичув-тикув цехи январ ойида пландан ташқари 1260 сўмлик хизмат кўрсатган эди. Февраль ва март ойи плани ҳам ортиғи билан адо этилди.

И. КАМОЛОВ,
А. МУСОЕВ.

●

Яқинда Тошкент область, Калинин район халқ суди халқ маслаҳатчилари семинарини ўтказди. Унда район судьяси А. Шомирзаев социалистик қонунчилик тўғрисида доклад қилди. Семинарда халқ маслаҳатчилари Совети ва унинг бир неча секциялари тузилди.

Я. МОРДУХАЕВ.

●

— Инсон хотирасини эъзозлаш керак!

Андижон область, Ленин районидаги Энгельс номли колхоз аъзолари қишлоқлардаги қабристонларнинг атрофини тозалаб, турли гул ва дарахтлар ўтказмоқдалар. Бу олижаноб ишда отаконлардан Абдурасул Ёдгоров, Йўлдош Ҳасанов, Ҳакимжон Турғонов каби колхозчилар ташаббус кўрсатмоқдалар.

Т. ЭРМАТОВ.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

(ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН).

Газетхонлар меҳрибон ўқитувчилар, ширин сўз шифокорлар, халққа наманали хизмат кўрсатаётган маданият муассасалари, кенг меҳнаткашлар оммасини илм-маърифатдан баҳраманд қилиш, ular ўртасида китоб пропагандасини кучайтиришда катта роль ўйнаётган кутубхоналар ва уларнинг жонкуяр ходимлари ҳақида илиқ гаплар ёзиб юборишган. Хатларнинг айримлари билан танишамиз:

— Андижон район кутубхонаси ишчи-хизматчи, колхозчи ва ўқувчиларнинг энг яхши дам оладиган жойига айланган, — деб ёзади Р. Эминов, — ўн тўрт йилдан бери кутубхонада ишлаётган коммунист Ф. Муҳиддинова китобхонларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боради. Бу ерда китобхонлар конференцияси, илғорлар билан учрашув, янги асар муҳокамасига бағишлангай кечалар тез-тез бўлиб туради. Кутубхона 4224 сўмлик ҳар хил адабиётга эга бўлиб, унинг фонди йил сайин ортиб бормоқда. Фориштлик А. Қосимов ўз хабарида ўқувчиларга намунали хизмат қилаётган Алишер Навоий номли мактаб кутубхонаси ҳақида қалам тебратган.

Тошкентлик газетхон М. Тўхтасинов редакцияга юборган материалига «Миллионер кутубхона» деб сарлавҳа қўйган. — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг асосий кутубхонаси пойтахтнинг сервиқор биноларидан бирига жойлашган, — дейди у. — Бу кутубхона республикамизда энг кекса бўлиши билан бирга, энг кўп китоб фондига эга бўлган илм-фан қасридир. Унинг фондида 1 миллион 250 мингдан ортиқ китоб ва журналлар бор. Шу жумладан чет тилларидаги китоб ва журналлар 150 минг нусхани ташкил қилади. Ўқувчиларга хизмат қилиш, китобларни танлаш ва келтириш, адабиётларни ажратиш ҳамда библиография каби бўлимларга эга бўлган бу кутубхона 11,5 минг ўқувчига хизмат қилади. Шунингдек, кутубхона қошида иккита ўқиш зали ҳамда микрофильмлар ва ўқув адабиётларининг фотокопиясини тайёрлайдиган лабораториялар бор.

Ҳамма кутубхоналар ҳам ўқувчига намунали хизмат кўрсатяптими? Афсуски, йўқ. Наманган шаҳрининг газетхон Р. Ғофуровнинг «Қоғозда қолган қарор» сарлавҳали материали фикримизнинг далили бўла олади. У шундай деб ёзади: Наманган шаҳрида битта болалар кутубхонаси бўлиб, хонанинг торлигидан ёёқ босгудек жой йўқ. Китоблар полкаларга сиғмай ён атрофда сочилиб, ҳанг босиб ётибди. Китоб олувчилар узоқ вақт навбат кутишади. Кутубхона мудири Роза Шарипованинг ўқиш залини сўрасангиз елкасини қисиб: «Бизда ўқиш зали йўқ», дейди. Кутубхонада 30 мингдан ортиқ адабий-бадиий ва ўқув китоблари бўлиб, мингга яқин аъзоси бор. Наманган шаҳар ижроия комитети болалар кутубхонасига қўлай ва кўркам бино қуриб бериш ҳақида бир неча марта дабдабали қарорлар қабул қилди. Афсуски, мана бир неча йил ўтиб боряптики, қарорлар ҳамон қоғозда қолаётир.

Демак, жойларда яхши ишлаётган, китоб пропагандасининг турли формаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиб, китоб мухлисларини ўз фондидаги адабиётлардан баҳраманд қилишга астойдил интилаётган кутубхоналар кўп.

Беморларни фақат дори-дармонлар билан эмас, балки қалб меҳри билан ҳам даволаётган, касалнинг ноғиш қалбига йўл топаётган ширинсухан шифокорларга миннатдорлик билдирилган хатлар ҳам кўп.

— Мени Чилонзор районидаги 2-туғруқхонага келтиришганда аҳволим жуда оғир эди, — деб ёзади Матлуба Рустамова. — Ер юзидаги ёшашдан умидим йўқ эди. Лекин туғруқхонанинг меҳрибон шифокорлари — бош врач С. А. Антипин, врачлардан Т. П. Лебедова, С. Ёқубова, А. Қодирова ва бошқалар тезда операция қилишди, ҳаётимни сақлаб қолишди. Бир неча кундан кейин эса тузалиб уйимга, севимли фарзандларим бағрига қайтдим. Мен каби кўплаб оналарнинг дардига дармон бўлаётган, уларни ўлим чангалидан олиб қолаётган барча шифокорларга газета орқали чуқур миннатдорчилик билдираман. Бу ердаги М. Тошмуҳамедова, Е. С. Галиева, Е. Дадаева, Н. Раҳимова каби ҳамшира ва энагаларнинг беморларга қилаётган гамхўрлигига ҳавасингиз келади.

Тошкентлик пенсионер отахонлар Н. Ҳолмуҳамедов, У. Ҳакимовлар ҳам редакцияга йўллаган хатларида 10-шаҳар касалхонасининг врачи Мавжуда Муҳаммедовага, 1-шаҳар касалхонасининг врачи Муаззамхон Дадамуҳамедоваларга миннатдорчилик билдирадилар. Қўшқўпир район касалхонасининг бош врачи М. Г. Павленко, Қамаши район касалхонасининг врачи А. Расулов, Тошкентдаги 15-, 17-шаҳар касалхоналарининг врачлари медицина фанлари доктори, профессор А. Раҳимжонов, бош врач Ҳ. Абдуллаев ўртоқлар ҳақида Ҳ. Авазов, Б. Ёрманов, М. Шокирова, М. Зилькинд, С. Нуриддинов, П. Толпижоновлар қалб сўзларини ёзиб юборишган. Тошкент Давлат университетининг студенти П. Рустамовнинг редакцияга ёзиб юборган материали ҳам шифокорлар темасига бағишланган.

Самарқанд районидаги 21-мактаб ўқувчилари саломатликнинг асосий шарти озодалик экканини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам мактабда ўқувчилардан тозалик ва саломатлик отряди тузилган бўлиб, отряд аъзолари ажойиб ишлар қилишяпти. Улар группа-группага бўлиниб, мактаб атрофидаги маҳаллалар, хонадонлар озодалигини текширяптилар. Бу ҳақда шу мактабнинг ўқувчиси М. Нуъмонова ёзиб юборган.

А. Ашуров, Н. Канаев (Фарғона), Ф. Саидэҳсонов, А. Жанбаралиев, С. Турғунов (Андижон), М. Алиқулов, Ҳ. Эшмирзаева, А. Сарибоев (Самарқанд), У. Тожиев (Бухоро), Ғ. Алижонов (Сирдарё), Р. Каримқулов (Тошкент), М. Қамбаров (Қўқон) ўртоқларнинг хатларида ҳам қўли гул шифокорлар, жонкуяр ўқитувчилар, тиришқоқ аспирантлар, кувноқ студентлар ҳақида ҳикоя қилинади.

«ҚИРОЛ ЛИР» ФОЖИАСИ

ТЕАТР

Пойтахтимизнинг Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри куни кеча Шекспирнинг яна бир шоҳ трагедияси — «Қирол Лир»ни саҳналаштириб, ўз тарихида янги лавҳа очди.

Дастлаб қараганда, бу асарда гўё тор оилавий—ота билан садоқатсиз фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ва фожиавий оқибатлар ҳикоя қилингандек туюлади. Аслини олганда бу асар Шекспирнинг бошқа трагедиялари орасида ўзининг чуқур фалсафийлиги, серқирралиги, кескинлиги, мураккаблиги билан ажралиб туради. Масалан, «Отелло»да биз асосан бир киши — Отеллонинг фожиасини кўрамиз. Бу асарда эса, бир бутун жамиятнинг фожиаси акс эттирилади. «Отелло» ва «Гамлет»да жамиятдаги тўқнашувлар бир қадар ёпиқроқ шаклда, бош қаҳрамонларнинг шахсий фожиаси орқали берилган бўлса, бу трагедияда ижтимоий зиддиятлар дадил кўрсатилган. Шекспир «Қирол Лир»да жамиятни шунчаки кураштар фони эмас, балки инсонлар фожиаси рўй берадиган майдон сифатида кўрсатади. Шунинг учун ҳам ижтимоий муносабатларнинг келиб чиқиш омиллари очиқ-ойдин кўзга ташланади. Тўғри, трагедия саройда рўй берадиган оилавий можародан бошланади. Вироқ бу асардаги воқеаларнинг содир бўлиши ва кескин ривожланиши учун сабаб бўлади холос. Оилавий можаро бутун давлатда шундай мудҳиш воқеаларни туғдиралики, уларга бардош бера олиш қийин бўлиб қолади. Асар қаҳрамонларининг бири — Глостер айтганидек, кишилар орасида муҳаббат сўнади, дўстлик йўқолади, адолатсизлик, зўравонлик кучаяди; қон-қариндошлар бир-бирига қарши қилич кўтаради, ота ва бола ўртасида муросасиз низо туғилади, — болалар отага, оталар эса нон тепки фарзандларига қарши чиқадилар; шаҳарларда исёнлар, қишлоқларда адоватлар, сарой ичида сотқинлик, макнорлик, риёкорлик авж олади. Бу нурчшда на ота, на аканука ва на опа-сингил бир-бирига шафқат қилади. Оилавий можародан келиб чиққан зиддият шу қадар кучайиб ривожланадики, пировардида, икки давлат ўртасида катта жанг туғиради.

Бу воқеалар саҳнада ҳам кўрсатилади. Гарчи спектакль оилавий, ахлоқий, ижтимоий темаларни ўз ичига олган бўлса ҳам, асарни саҳналаштирган режиссёр Н. В. Ладигин уларни умумлаштириб ягона гоя — инсон моҳиятини, унинг ҳаётдаги ўрни ва жамиятдаги қадр-қимматини очиб беришга қаратган. Спектаклнинг гоявий йўналиши, фалсафий моҳияти ҳам ана шунда. Спектаклни кўргандан сўнг — бойлик ва олтин, зўравонлик ва адолатсизлик ҳукмронлик қиладиган дунёда мулкдор ва мансабдор кишигина роҳат кўриши, ҳамма ҳуқуқларга, иззат-икромларга эга бўлиши мумкин, булардан маҳрум бўлган инсон эса хўрликка, таҳқирларга маҳкум этилиб, ҳар қандай ҳуқуқлардан бебаҳра бўлиб, одамийлик, ҳаққоний, олижаноблик, ғўзаллик поймол қилиниб, улар ўрнига зулм, жаҳолат, разолат каби қабиҳликлар ҳукм сурар экан деган фикрга келади, киши. Томошабин узоқ ўтмишдаги воқеаларни кўрар экан, бугунги капиталистик дунё, ундаги мудҳиш ҳаёт, ички зиддиятлар, адоват, бесқиничлик, ваҳшийлик унинг кўз олдига келади. Бу ҳол театрнинг замонавий, яъни ҳозирги давр билан ҳамоҳанг спектакль яратганлигидан далолат беради.

Фикримизча, спектаклнинг асосий гоявий йўналиши энг аввало, трагедиянинг бош қаҳрамони қирол Лир образида, унинг фожиали тақдирида гавдаланади. Шунинг учун ҳам режиссёр бу образни спектакль марказига олиб, бошқа характер ва воқеаларни ўзга чамбарчас боғлаган.

Лир О. Хўжаев талқинида — эски патриархал тузумга хос ва вужудга келаётган янги буржуа дунёсига мансуб ижобий ва салбий хислатларни ўзида мужассамлаган образдир. Бу хислатларнинг салбий томони спектакль бошланишида акс эттирилса, ижобий томони воқеалар жараёнида очилиб боради.

Спектакль бошида Лир — Хўжаев қиёфасида ўзини ҳаммадан устун қўйган жоҳил қиролни кўрамиз. Унинг чеҳрасидан, хатти-ҳаракатларидан қаҳр-ғазаб ёғади. Ёши анчага бориб қолган бўлса ҳам, юриш-туришларида маҳобат, бардамлик кўринади. Унинг шахсига ҳамма сиғинади. Лир ўзини қиролгина эмас, инсон сифатида ҳам улуғ деб, билади. Қироллиги учун унга қилинган иззат-икромни, ҳурматни, мадҳияларни унинг шахсига қаратилган деб, қатъий ишонади. Лирнинг ўз улуғворлигига эътиқоди шу қадар зўрки, ҳатто тахтдан кетсам ҳам ҳокимият қўлимда бўлади, аввалгидек, ҳамма менга итоат қилаверади, деб ишонади. Унинг тушунчасича, инсоннинг қадр-қиммати унинг жамиятда эгаллаган мансаби эмас, шахсий улуғворлиги билан белгиланар экан. Шунинг учун ҳам у қироллигидан кўра шахсий улуғворлиги билан фахрланади. Лир ўзининг ана шу эътиқоди ва тушунчасига тўла ишониб, давлатини икки қизига бўлиб беради.

О. Хўжаев Лирнинг ўз улуғворлигига ишончи ва золимлигини тахтдан кетиши саҳнасида моҳирона акс эттиради. Лир кенжа ва энг севимли қизи Корделия мени опаларидан ҳам ортиқроқ мақтар деб кутади. Лекин Корделия опалари сингари риёкорлик йўли билан отасининг меҳр-мурувватига эришишни ўзига ор деб билади ва Лирнинг истагини рад этади. Корделиянинг самимийлиги — садоқатли фарзанд меҳрини, отасини кўкларга кўтармасдан, оддийгина ифода этишни истагаилиги. Лирнинг газабини келтиради, у Корделияни оқ қилади. Антёр Лирнинг бу золимлигини, унинг инжиқлиги эмас, ўзўзини ҳаддан ташқари улуғлаганлигининг оқибати эканлигини таъкидлайди.

Лир тахтдан воз кечиб, ўз қадр-қимматини, унга хизмат қилиб, унинг кўнглини олиб юрган кишиларнинг сони билан белгилайди. Унинг бир ўзига юзта қуролланган киши хизмат қилади. Гонерилья ва Регана золим отасининг айнаб қолиб ҳокимиятни қайтариб олишидан хавфсираб асоссиз важлар топиб, хизматкорларидан воз кечишни ундан талаб қиладилар. Қизларнинг бу талаби уни даҳшатга солади. О. Хўжаев бу эпизодларда қизларининг қўрнамаклигидан қайгираётган Лирни эмас, улуғвор қиролнинг қизлари олдида кучсизлигини моҳирона кўрсатади. Лир —Хўжаев алданганлигидан эмас, ўзининг ожизлигидан, эндиликда унга ҳеч ким бўйсунмай қўйганлигидан ўкириб йиғлайди.

Кучли драматизм билан суғорилган саҳналардан бири Лирнинг сел тагида қолиш эпизодидир. Лир бойлик, ҳукмдорлик дунёсини тарк этиб, кўрланганлар, таҳқирланганлар дунёсига кириб келади. Эзилган, қашшоқланган инсонларни кўриб, ўзи ҳам қанчадан-қанча азоб-уқубатларни бошидан кечириб, кўзи мошдек очилади. Аввалари улар ҳақида кам ўйлаганлиги учун ўзини қаттиқ қойийди. Оғир кечинмалар оқибатида Лир ақлдан озаётганлиги ва Корделия ва Кент ўртасидаги можаро ҳақидаги ҳаёлларини ўзи ўйлаб топган ҳикоя сифатида эшитиб, ўзини ҳеч нарсадан ҳабарсиз ҳис этиши, ҳаётнинг ҳақиқатини ҳеч ким ёзмаганлигидан ҳайратланиб



«Ташавтомаш» заводнинг атрофи обод бўлмоқда. Бу ерда ишчи-хизматчилар учун кўплаб уй-жой бинолари ҳамда магазинлар қурилмоқда.
Суратда: корхона меҳнаткашлари ихтиёрига берилган шинам уй-жой бинои [чапда] ва янги магазин. Й. Исмоилов чизган расмлар.

ДЎСТЛИК ВИЗИТИ БИЛАН

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзининг таклифига биноан мамлакатимизга меҳмон бўлиб келган Покистон жамоат арбоблари делегациясини Ўзбекистон пойтахти 23 мартда хушнудлик билан кутиб олди. Покистоннинг таниқли ёзувчиси ва шоири, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Файз Аҳмад Файз делегацияга бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар Ўзбекистон пойтахти билан таниишиши В. И. Ленин номли майдонда ва бу ерда жойлашган ҳамда тарихий Тошкент Декларацияси имзоланган республика ҳукумат уйидан бошладилар. Сўнгра улар шаҳар бўйлаб сафар қилдилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига бордилар.

Кечқурун, Покистон республика деб эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан делегация аъзоларининг чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти активистлари билан учрашуви ўтказилди.

ЛАТИФ МИРТЕМИРОВ

Куни кеча нурга чўмган цехда енг шимариб, меҳр ва зеҳн билан «Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сонини чиройли нашр этиш устида астойдил ишлаган, дўст-ўртоқлари билан меҳнат соатларини шодон ўтказган ҳурматли Латиф акамиз бугун орамизда йўқ, бевақт ўлим уни юлиб кетди.

Латиф Миртемиров (Бекака) ўзининг қирқ йиллик умри, қайноқ, сермазмун фаолиятини босмахонада ўтказди. Ўз меҳнатини улуғ, мўътабер ишга — матбуотга бағишлаган, ўзининг жонкуярлиги, ишчанлиги, ҳамкасбларига нисбатан меҳрибонлиги билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган Латиф Миртемиров бундан 61 йил мукаддам ишчи онласида туғилиб, навқирон ёшлик чоғлариданоқ меҳнат қучоғига отилган эди. Оддий ҳарф терувчидан, техник редакторлик даражасига кўтарила олган саховатли бу ўртоғимиз узоқ йиллик иш жараёнида ўнларча шогирдлар етиштирди, полиграфия саноатини янги кучлар билан тўлдириб боришда муносиб ҳисса қўшди. Унинг хизматлари юксак тақдирланди, «Ҳурмат Белгиси» ордени ҳамда бир неча бор Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланди. У ўз умрини абадийлаштирган жанговар дўст, софдил ва қувноқ ўртоқ ниҳоятли, ғайратли, меҳрибон сафдошимиз эди. Унинг қалбларимизда чуқур жой олган хотираси узоқ йиллар яшайди.

Бир группа ўртоқлари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.25 — Ўзбек музикали драмаларидан парчалар, 9.30 — Фортепьяно пьесалари, 11.10 — «Сиҳат-саломатлик», 11.25 — Топишмоқли концерт, 12.15 — Концерт, 12.50 — Медицина темасида (рус.), 13.40 — Енгил куйлар, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.15 — Белорус композиторларининг қўшиқ ижоди, 17.00 — «Вишлик» радиостанцияси, 18.10 — С. Прокофьев балетларидан куйлар, 18.30 — Кекса ижрочилар концерти, 19.20 — Социалистик мамлакатлар куйлари, 20.00 — «Мамат Ўрозов,— пармалаш устаси» (рус.), 20.10 — Филармония артистлари микрофон олдида, 20.45 — В. И. Ленининг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асари, 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — Қўшиқлар, 22.40 — «Биз коммунистлармиз», 23.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари талабига мувофиқ концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

Рус тилида: 10.30 — **Асфальтдаги излар** (болалар учун мультфильм), 10.55 — **Пакет** (телевизион бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 12.00 — **Концерт** (мактаб ўқувчилари учун), 12.30— **«Эски тошбақа» капитани** (бадиий фильм).

14.00 дан — **Москва телестудияси кўрсатади.**

ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Андижон пионерлари** (мактаб ўқувчилари учун). 19.20 — **Озарбайжон субтропикларида**, 19.40 — КПСС XXIII съезди шарафига. **Сурхондарё область меҳнаткашлари учун.**

Рус тилида: 20.40 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — **Эртаги кун программаси.**

21.20 дан — **Москва телестудияси кўрсатади** (тажриба тариқасида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 — **Чит кўча** (болалар учун мультфильм), 18.25 — **Ёш спортчилар**, 18.45 — **Тошкент янгиликлари**, 18.55 — **Санъат панорамаси**, 19.55 — **Сен ёлғиз эмассан** (телефильм).

Ўзбек тилида: 21.00 — **Кичик йўл эгалари** (ҳужжатли фильм), 21.20 — **Тошкент янгиликлари**, 21.30 — **Ария ва романслар.**

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/III да кундуз **Этик кийган Мушук, кечқурун Наварьянка ва Алено**, 26/III да кундуз **Севилья сартароши, кечқурун Подшо қайлиғи.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/III да кундуз **Қутлуғ қон, кечқурун Сўнгги нусхалар**, 26/III да кундуз **Биринчи муҳаббат, кечқурун Қирол Лир.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/III да кундуз **Нодира, кечқурун Равшан ва Зулхумор**, 26/III да **Момо ер.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида **Катта цирк томошалари.** Кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

25 мартдан 30 мартгача

спектакллар плани

25/III да — **Нодира.**
27/III да — **Ота ўғли.**
28/III да — **Гули синёқ.**
30/III да — **Қари қиз.**

Спектакллар кундуз соат 12 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР:

1966 йил 5 апрель кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ҳузуридаги педагогика фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 20-уй) педагогика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Н. Валиева: «Ўқувчиларда ўзбек адабиёти материаллари асосида ўртоқлик ва дўстлик ҳиссини тарбиялашнинг айрим масалалари» деган темада.

А. Нурметов: «Математикадан моделлар ясашга доир» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

1966 йил 6 апрель кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг экономика бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, кичик конференц-зал) иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

В. Ф. Дорошенко: «Жанубий-ғарбий Ўзбекистон электроэнергетикаси ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши» деган темада.

У. Сидиқов: «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш асосида Чирчиқ—Ангрен водийсидаги пахтаошликор колхозлар экономикасини мустаҳкамлаш йўллари» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 6 апрель кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг химия фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй, акт зали) химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

С. А. Тошмуҳамедов: «Радиацион-химия методида олинган пайвандли сополимерларнинг эрувчанлигини текшириш» деган темада.

Л. В. Чапрасова: «Цинк, никель, палладий, ванадий ва баъзи бир бошқа элементларни фотометрик аниқлашнинг янги методи» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

СОВХОЗ, КОЛХОЗЛАР ВА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари ва комбикорм саноати министрлигининг областлардаги

ТЕГИРМОНЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ВА БАЗАЛАРИДА,

Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида эса

ТАРА-РЕМОНТ УСТАХОНАЛАРИДА

IV категорияли

ҚОПЛАР

донаси 37 тийиндан ва V категорияли қоплар донаси 25 тийиндан

СОТИЛАДИ

Қопларнинг пули перечисление тартибида тўланади.

ДУНЁДА НЕМАНИ ЗДА

ТОШКЕНТ АРТИСТЛАРИНИНГ ҚОҲИРАДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ҚОҲИРА. ТАСС мухбири В. Дуганов хабар беради: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Академия опера ва балет театрининг Қоҳирадаги опера театри саҳнасида бераётган гастроллари зўр муваффақият билан давом этмоқда. Ўзбек санъат усталари Қоҳира томошабинларини П. И. Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балети билан таништирдилар.

Қоҳирадаги опера театрининг кенг зали томошабинлар билан лиқ тўлди. Спектаклда Бирлашган Араб Республикасининг маданият министри, театр жамоатчилигининг жуда кўп намояндалари, санъат ва адабиёт ходимлари, дипломатик корпус аъзолари ҳозир бўлишди.

Томошабинлар «Оққуш кўли» балетини жуда қойил қолиб кутиб олдилар. Бу спектакли Тошкент театрининг премьераси бўлди, дейиш мумкин, чунки Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист балетмейстер А. Кузнецов янгидан саҳналаштирган ва биринчи марта Қоҳирани опера театри саҳнасида қўйилган бу спектакль Алишер Навоий номидаги театр ватани бўлган Тошкентда ҳали кўрсатилмаган эди.

Одетта билан Одилия партиясини ижро этган Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Қориева, шаҳзода партиясини ижро этган артист В. Васильевни, артистлардан А. Абдурахмонов, К. Соатов ва бошқаларни томошабинлар бир неча марта гулдурос қарсаклар билан тақдирлаб, уларнинг балет соҳасидаги юксак маҳоратига тан бердилар. Жуда чиройли ва зўр маҳорат билан ижро этилган оқ қушчалар рақсини томошабинлар такрорлашни илтимос қилдилар.

Қоҳира матбуоти ўзбек театрининг спектакларини кенг равишда шарҳлашни давом эттирмоқда, ҳар сафар Тошкент артистларининг юксак маҳоратини кўрсатувчи янги жиҳатларни қайд қилмоқда. «Алахбор» газетаси солистлар ва кордебалетнинг юксак техникага эришганлигини, коллектив ва группа рақслари ҳаракатининг шинамлиги ва гўзаллигини, костюмлар ва декорацияларнинг чиройлилигини кўрсатиб ўтмоқда. Суратли «Алмусаввар» журналида ва «Алжумҳурия» газетасида ўзбек артистлари ижро этган турли балетларнинг айрим манзараларини кўрсатувчи фотосуратлар ҳамда Совет Иттифоқи халқ артисти Галия Измайлованинг ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Қориеванинг балет санъати тўғрисида очерклар босилиб чиқди.

Ўзбек артистларининг Қоҳирадаги гастроллари 28 мартга қадар давом этади.

СОВЕТ — ПОКИСТОН МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

МОСКВА. Покистон халқининг миллий байрами — Покистон куни арафасида Совет жамоатчилиги вакилларининг йиғилишида Совет Иттифоқида Совет — Покистон маданий алоқалар жамияти тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский, Покистоннинг СССРдаги элчиси Иқбол Атҳор таъсис йиғилишининг фахрий меҳмонлари бўлиб қатнашдилар.

Йиғилишни Совет дўстлик жамиятлари иттифоқи президиумининг раиси Н. В. Попова очди. СССР геология министри А. В. Сидоренко Покистон Республикаси эълон қилинганлигининг ўн йиллиги ва Совет — Покистон муносабатларининг ривожлантирилиши тўғрисида доклад қилди.

(ТАСС).

ҲАР ЙИЛИ 20 МИЛЛИОН КИЛОВАТТЛИ ЯНГИ ҚУВВАТЛАР ИШГА ТУШИРИЛАДИ

МОСКВА, 23 март. (ТАСС). СССР энергетика ва электрлаштириш министри П. С. Непорожний СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг илтимосига биноан, Москвадаги чет эллик дипломатлар учун лекция ўқиб, янги беш йилликдаги улкан вазифалар тўғрисида гапирди. Ҳозирги вақтда совет энергетиклари янги беш йиллик вазифаларини бажаришга киришдилар. Министр, жумладан шундай деди: шу ўн йиллик охирида совет электр станцияларида ҳар йили тахминан 20 миллион киловаттли янги қувватлар, яъни ҳозиргидан икки баравар кўп қувватлар ишга туширилади. Энергетикамиз илгаригидек асосан йирик иссиқлик ва гидравлик электр станциялар қуриш йўли билан ривожлантирилади. Бу борада Сибирь узоқ вақт биринчиликни эгаллайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда энг катта Братск гидроузели ишлаб турибди. Енисей дарёсида янада катта электр станциялар қурилмоқда.

Министр бу беш йилликда Европа қисмининг ягона энергетика системасини вужудга келтириш ишлари тугалланади, совет электр энергетикаси қувватининг ярми СССРнинг Европа қисмида ҳосил қилинади, деди.

Тошкент Декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида рўйхатга олинди

НЬЮ-ЙОРК. Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Тошкент Декларациясини рўйхатга олиш маросими бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Ҳиндистон доимий вакили Партасаратхи шу маросимда Декларациянинг ратификация қилинган копияларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Танга топширди. Маросимда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги СССР доимий вакилининг ўринбосари Е. Н. Макеев ва Покистоннинг ишлар вакили Аҳмад Али ҳозир бўлдилар.

Декларацияга мувофиқ, Ҳиндистон билан Покистон низоли масалаларни ҳал қилишда куч қўлланмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олганлар. Ҳар иккала мамлакат вакиллари Тошкентда имзоланган бу битим Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги чегара жанжалини бартараф қилишга ёрдам берди. (ТАСС).

220 МИНГ ИНТЕРВЕНТ

ВАШИНГТОН, 23 март. (ТАСС). Американинг Жанубий Вьетнамдаги қўшинлари сони 220 мингга етди, деди бугун Чикагода АҚШ мудофаа министрининг ўринбосари Сайрус Вэнс. У, Пентагон Жанубий Вьетнамга янги ҳарбий қисмлар юбормоқчи эканлигини айтди. Вэнс Американинг Жанубий Вьетнамдаги қуролли кучларини ҳар ойда ўқ-дорилар билан таъминлаб туриш Кореядаги урушга қараганда уч баравар кўпайтирилди, деб таъкидлади.

ХИТОЙДА ЗИЛЗИЛА

22 март Москва вақти билан соат 11 дан 28 минут 52 секундда «Москва» Марказий сейсмик станцияси Москвадан 6000 километр узоқда кучли зилзила бўлганлигини қайд қилди.

Совет Иттифоқидаги сейсмик станциялар материалларини ишлаб чиқиш натижасида олинган маълумотларнинг кўрсатишича, бу зилзиланинг эпицентри Шимолий Хитойда 36 градус шимолий кенглик ва 116 градус шарқий узунликдаги географик нуқтада жойлашгандир.

Эпицентрда зилзиланинг кучи 12 балли шкала бўйича 10 баллга етган бўлиши мумкин. (ТАСС).

Машҳур кино артист Чарли Чаплин ўн йиллик танаффуздан сўнг ўзининг янги «Гонконглик графиня» фильмида иштирок этмоқда. Суратда: Чарли Чаплин стюард ролида.
АФП—ТАСС фотоси.

Дўстона мамлакатда

ҚОҲИРА, 24 март. ТАСС мухбири И. Березниковский хабар беради:

Бирлашган Араб Республикасида меҳмон бўлиб турган Ўзбекистон ССР маданият министри З. Раҳимбобоева мамлакат бўйлаб сафардан Қоҳирага қайтиб келди. У, Асвонга бориб, Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан Нил дарёсида қурилаётган баланд «Саддал Али» тўғони қурилишини кўздан кечирди, шунингдек Миснинг қадимий ёдгорликлари билан машҳур бўлган Луксор шаҳрида бўлди.

ДИН НИҚОБИДА

Халқаро темада

Шу кунларда қайсибир чет эл газетасини ўқиманг, радио эшиттиришларни тингламанг, албатта Осиё ва Африка воқеаларига оид хабарларни учратасиз. Илгари Лондон газеталари, «инглиз солдатлари мунча мисрликни ўлдириб, мунча ўлжа олди», ёки Париж матбуоти, «француз фотиҳлари Жазоир шаҳаси ва қишлоқларига ўт қўйиб, минглаб исёнчиларни қатл этди», деб фахрланиб ёзган бўлса, эндиликда бундай гапларни Ғарб матбуотидан топа олмайсиз. Аксинча, Ғарб давлатларининг матбуоти Шарқ халклари ҳақида «жон қуйдириб» қолди: гўё капитализм Осиё ва Африкага ҳамиша дўст, мададкор бўлган эмиш, ёш суверен давлатлар фақат империалистлар маслаҳати, ёрдами билан қаддини ростлар эмиш. Ҳа, шунчалар тилёғламалик, ширин суханликнинг боиси бор, албатта. Ҳозирги Осиё ва Африка илгаригидек заиф китъалар эмас. Ҳозирги Шарқ империализм, мустамлакачилик билан ҳаёт-мамот курашида ғолиб чиққан, капитал оламини титратаётган зўр, забардаст бир сиёсий кучдир. Бинобарин, улуғ Ленин айтганидек, улкан Шарксиз жаҳон тақдирини ҳеч ким ҳал қила олмайди. Шунинг учун ҳам империализм Осиё ва Африка халклари билан ҳисоблашадиган бўлиб қолди.

Лекин империалистлар Шарқдан умидни батамом узмоқчи эмас. Чунки, Осиё, Африканинг олтин-олмослари, ёқут-жавоҳирлари, битмас-туганмас бойлиги мустамлакачиларни боқиб келди, улар Шарқдан беҳисоб мол-дунё орттирдилар. Улар Шарқ мавзе ураётган ҳозирги шароитда ҳам Осиё ва Африкани қўлдан чиқармоқчи эмаслар.

Маълумки, қатор суверен давлатлар тараққиётнинг капиталистик йўлини рад этиб, нокапиталистик тараққиёт йўлидан боряпти. Бу мамлакатларда чуқур ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз бераяпти. Бирлашган Араб Республикаси, Гвинея, Жазоир сингари давлатлар империализм ва мустамлакачиликка қарши кураш бобида Осиё ва Африкадаги бошқа мамлакатларга ўрнак бўляпти. Аксарият Шарқ ўлкалари ўзаро бирлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка интиляпти

Империалистлар собиқ мустамлакалардаги бундай ўзгаришлардан ғоят ташвишга тушиб қолдилар. Мустамлакачилик қўрғони нураб бориши билан империализм Шарқдаги сиёсатига бошқача тус бера бошлади, яъни ҳийла-найранг йўлига ўтиб олди. Осиё ва Африка бойликларини қўлдан чиқармаслик, ундаги ҳарбий-стратегик базаларни сақлаб қолиш ва жўш ураётган озодлик ҳаракатига рахна солиш учун мустамлакачиликнинг турли-туман формалари ишга солинди. Шарқ давлатларига «қарз, заём бериш», иқтисодий-техника «ёрдами кўрсатиш» каби йўллар матбуот саҳифаларидан ва Ғарб ҳукмронларининг оғзидан аримайдиган бўлди. Айни вақтда, империалистлар Осиё ва Африка халкларини қандайдир ҳавф-хатардан «ҳимоя этиш» зарурлиги ҳақида ҳам оламга жар солдилар. Кейинги йилларда империалистик давлатлар Ўрта ва Яқин Шарқда турли иттифоқ ва блоклар тузишга зўр бердилар. «Эйзенхауэр доктринаси». «Улуғ Сурия», «Ўрта Шарқ қўмондонлиги», «Бағдод пакти», СЕНТО, СЕАТО сингари доктрина ва ҳарбий блоклар юзага келди. Шулар орқали империалистлар Шарқни яна ўз изига солмоқчи эдилар. Бироқ, эрксевар халқлар империализм тузоғига қайта тушишни хоҳламади ва натижада мазкур пактлар йўққа чиқди.

Шундай бўлса-да, Ғарб ҳукмронлари Осиё ва Африка давлатларини ҳарбий иттифоқ ва блокларга тортиш ниятидан қайтмадилар. Улар ўз ўйларини рўёбга чиқаришда Шарқдаги қора гуруҳларга таянмоқдалар. Халқ қони, меҳнати ҳисобига яшаб, умр кўраётган реакцион доиралар империализм ноғорасига ўйнаб, ўз миллати ва ватанига хиёнат қиляптиларки, бундан империалистлар ғоят мамнун ва хурсанд.

Яқиндан бери Ғарб матбуотида янги «Ислом пакти» тўғрисидаги гаплар оралаб қолди. «Мусулмон давлатлари иттифоқини» барпо этишни кўзлаган лойиҳалар янгилик эмас, албатта. Бундан тўққиз йил мукаддам собиқ президент Эйзенхауэр Саудия Арабистони бошчилигида «Ислом пактини» тузишга уриниб кўрган эди. Яқин ва Ўрта Шарқдаги маҳаллий мусулмон ҳомийлари ҳам ўз реакцион ташкилотларини вужудга келтириш учун кўп ҳаракат қилдилар. 1964 йил ноябрь ойида Маккада Ислом лигаси таъсис мажлисининг сессияси чақирилди. «Мусулмонлар манфаатига таҳдид қилаётган халқаро гуруҳларга қарши ислом бирлигини мустаҳкамлаш» шиори остида ўтган бу сессия барча қора кучларни уюштиришга қарор қилди. Сессия қатнашчилари «мўмин мусулмонларни йўлдан тойдираётган» баъзи араб давлат раҳбарларини қоралаб шариат ва динни «муҳофаза этишга» отландилар.

Шундан кўп ўтмай Бирлашган Араб Республикасида «Мусулмонлар биродарлиги» деб аталган ташкилот фош этилди. Бу реакцион ташкилот БАР раҳбарларини, аввало Носирни ўлдириб, ҳокимиятни эгаллаш, сўнгра революция туфайли бунёдга келган тузумни йўқ қилиш режасини тузган. Ташкилот империалистлар билан ва араб давлатларидаги реакцион доиралар билан яқин алоқада бўлган, улардан доимо моддий-маънавий ёрдам олган. «Алахром» газетасининг ёзишича, агрессив СЕНТО блоки ҳам «Мусулмонлар биродарлиги» ташкилотига пул ва қурол-яроғ етказиб берган. Очиқ-ойдин кўриниб турибдики, Шарқдаги реакцион диний гуруҳлар ва ташкилотларнинг ёки дин ниқобига бурканган сохта иттифоқ ва пактларнинг нияту мақсади, ўй-режаси қора. Шунинг учун ҳам араб жамоатчилиги янги «Ислом пактидан юз ўгиряпти, унинг социал тараққиёт, араблар бирлиги, миллий-озодлик ҳаракатига қарши пакт эканлигини фош этмоқда.

«Империалистик доиралар, — дейилади Сурия Коммунистик партиясининг махсус мурожаатида, — араб халкларига, арэб миллий ва тараққийпарвар ҳаракатига таҳдид солмоқ учун Араб Шарқида ўз агрессив планларини амалга оширишга киришдилар. Улар «Мусулмон ҳамкорлиги» ниқобида ўз изидаги давлатлар иштирокида пакт ва блоклар тузишга тайёргарлик кўряптилар». Осиё ва Африка ҳамкорлиги ташкилотининг доимий секретариати эса икки қитъа халқлари номидан «Ислом пактини қаттик коралади. Марокашда чиқадиган «Ал-хифаз Ал-ватани» газетасининг ёзишича, пактнинг асл мақсади — империалистларнинг иктисодий, молиявий ва стратегик манфаатларини, мустамлакачилар билан оғиз-бурун ўпишган маҳаллий эксплуататорлар манфаатини ҳимоя қилишдир. Шунингдек у реакцион режимларни мустаҳкамлашни, мустақил сиёсат юргизаётган мамлакатларга зарба беришни, озодлик ҳаракатига ғов солишни кўзда тутади.

Матбуот «Ислом пактининг Бағдод пактидан фарқи йўқ эканлигини, зотан ҳарбий-агрессив моҳиятини тўғри таъкидлаяпти. Чет эл газеталарининг ёзишича, Америка пакт ташаббускорларидан бири Саудия Арабистонига 300 миллион долларлик қурол-яроғ юборaётгани бежиз эмас.

Кўпчилик араб мамлакатларининг раҳбарлари, сиёсий ва жамоат арбоблари «Ислом пакти» илҳомчилари, ташаббускорларини кескин танқид қиляптилар, у ҳам бошқа агрессив иттифоқлар каби барбод бўлади деяптилар. Бирлашган Араб Республикасининг президенти Абдул Носир, Ироқ бош министри Албаззоз, Яман Араб Республикасининг президенти Ассалол, Жазоир, Сурия, Қувайт раҳбарлари ҳам «Ислом пакти» ғоясини қораладилар. «Ислом пакти»,—деди Носир, — озодлик ҳаракати ва социал тараққиётга қарши қаратилган империалистик пактдир. У араб халқларига қарши фитна уюштириш ва уларни Ғарб таъсир доирасига тортиш мақсадида тузилаётган иттифоқдир... Биз Бағдод пакти, Эйзенхауэр доктринаси ва бошқа империалистик блокларни илгари қандай қоралаган бўлсак, ислом пактини ҳам шундай қоралаймиз... Бағдод пактининг тақдири қандай бўлган бўлса, ислом пактининг ҳам қисмати шундай бўлади, деб ҳисоблаймиз».

Дарҳақиқат, суверен Осиё ва Африка давлатлари, эрксевар, тараққийпарвар халқлар «Ислом пакти» ғоясидан шу қадар нафратланар эканлар, унинг ҳам Бағдод пактидек, юлдуз кўрмай жон бериши муқаррардир.

Ф. АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари кандидати.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редколлегияси, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари редакциямизнинг энг кенса ходими — техник редактори

Латиф МИРТЕМИРОВНИНГ

бевақт вафот этганлигини билдириб, унинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Правда Востока», «Ҳақиқати Ўзбекистон» газета редакциялари, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бирлашган нашриёти, Ўзбекистон Министрлар Советининг Матбуот давлат комитети «Совет Ўзбекистони» газетасининг кенса ходими

Латиф МИРТЕМИРОВнинг

бевақт вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, № 28. Редактор—В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31226. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиши ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот— В32317. Оммавий ишлар ва хатлар —В39005, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура —В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ Г — 68. || Индекс 64543. || Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. || Р. 07624. || 4